

Н.И. Жўрақўзиев

ЎЗБЕК МИФОЛОГИЯСИ

(Қадимги даври, манбалари, ўрганилиши)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

Н.И. Жўрақўзиев

ЎЗБЕК МИФОЛОГИЯСИ

(Қадимги даври, манбалари, ўрганилиши)

Ўқув-услубий қўланма

42536



Тошкент-2021

УДК: 821.512.1:389/-398(∞)

Жўрақўзиев Н.И.

Ўзбек мифологияси: ўқув-услубий қўлланма / Н.И.Жўрақўзиев. – Тошкент: 2021. – 55 б.

Тузувчи:

Жўрақўзиев Н.И. – филология фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Такризчилар:

Рахмонов Н.А. – филология фанлари доктори, профессор.

Сайитқулов И.А. – филология фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Мазкур ўқув-услубий қўлланмада фольклоршунослигимизнинг ажралмас қисми бўлган Ўзбек мифологиясининг айрим мавзуларини ташкил этишнинг назарий асослари ёритиб берилган. Унда Ўзбек мифологиясининг тарихи, унинг ўзига хослиги, мавзу кўлами, мифологемалари, манбалари, даврлари, унга таъсир қилган диний оқимлар ҳақида назарий тушунчалар берилган.

Ушбу ўқув-услубий қўлланма фольклоршунослик соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассислар, таълим тизимида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар ҳамда Ўзбек филологияси факультетида таълим олаётган талабалар учун “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Ўзбек халқ оғзаки ижоди”, “Ўзбек мифологияси”, “Қадимги туркий тил”, “Фольклоршунослик” йўналишида дарслик ва қўлланмалар яратишда, мифологик луғатлар тузишда, ихтисослик фанларини ўқитишда, амалий ва семинар машғулотлари олиб боришда кенг фойдаланиш учун мўлжалланган.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўқув-услубий кенгаши йиғилиши 2021 йил 25 июндаги 11-сонли қарори билан нашр этишга тавсия этилган.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4-5
I боб. ДУНЁ ОЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН МИФЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.	6-22
1.1. Жаҳон олимларининг мифологияга оид тадқиқотлари ҳақида.	6-12
1.2. Ўзбекистонлик олимларининг Ўзбек мифологиясини ўрганишига доир қарашлари.	13-18
1.3. Дунё халқларида мифопозтик параллелликлар.	18-22
II боб. ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ЁДГОРЛИКЛАРДА ОЛАМ МОДЕЛИ ИФОДАСИ.	23-47
2.1. Биринчи қават – Кўк Тангри (Осмон) юқори олами.	24-37
2.2. Иккинчи қават – Муқаддас Ер-Сув ўрта олами.	37-40
2.3. Учинчи қават – Эрликхон ҳукмрон бўлган ер ости олами.	40-47
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.	48-49

КИРИШ

Дунё фольклоршунослиги ва туркологиясида қадимги ёзма ҳамда оғзаки ёдгорликларда қайд этилган мифологияга оид матнларни аниклаш ҳамда ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Натижада жаҳон мифологиясига оид янги назарий концепциялар билан қадимги туркий ёзма ёдгорликлар ҳамда ҳар бир туркий халқлар, хусусан, ўзбек адабиётидаги мифологик унсурларни баҳолашга доир янги қарашларга эҳтиёж сезилди.

Қадимда яратилган халқ донолиги ва тафаккури намуналари – мифлар, афсоналар, дostonлар, эртаклар, мақоллар минг йиллардан бери оғиздан-оғизга кўчиб, ёзма шаклларда бизгача етиб келган. Улардаги дунё тузилишига оид тасаввурлар, олам, табиат ва сирли кучларга бўлган муносабат доимо халқимиз фалсафий қарашлари, бадий тафаккури, дунёқарашини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилган. Чунки қадимги миф ва афсоналар яхлит ҳолда адабиётнинг, умуман, санъатнинг асосий таркибий қисмидир. Шунинг учун ҳам мифлар доимо халқларнинг илк дунёқараши, адабиёти ва санъати, олам ва одам муносабатлари ибтидосини ўрганишда бирламчи манба ҳисобланади.

Кейинги даврларда аждодларимиз томонидан яратилган барча тарихий, маданий, адабий ва санъат асарлари, жумладан, халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш, тадқиқ этиш, улардаги умумбашарий ғояларни чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш ёш авлодни комил инсон сифатида тарбиялашда катта аҳамият касб этади. Жамиятда юз бераётган ҳар қандай ислохот, аввало, бадий адабиёт ва маданиятда ўз ифодасини топиб, “адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор”¹, - сўзлари замирида адабиёт ва маданиятнинг жамият ҳаётида муҳим роль ўйнаши тўла намоён бўлади. Зеро, халқ мақоллари, кўшиқ, афсона, ривоятлар халқ бадий тафаккури маҳсулидир. Бу жиҳатдан қадимги туркий (ўзбек) халқлар яратган мифлар, афсоналар, илк адабиётимиз мавзу кўламини ташкил этишда ўзига хос тараққиёт босқичларига эгаки, бу ўринда мифология алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари,

¹ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. 2017 йил 4 август.

шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу ўқув-услубий қўлланма муаян даражада хизмат қилади.

Ўқув-услубий қўлланманинг мақсади қадимги туркий ёзма ёдгорликлардаги мифологияга оид матнларни қиёсий ўрганиш, рамзий образлар заминидаги миф сюжетларини ва улардаги космогоник тасаввурларни ёритиш, шунингдек, ўзбек халқ эртақ ва эпосларига қадимги туркий ёзма ёдгорликларни қиёслаш асосида, жаҳон ва ўзбек олимларининг мифологияга, хусусан, ўзбек мифологияси ҳақидаги фикрларини ёритишдан иборатдир.

Ўқув-услубий қўлланманинг вазифалари қадимги туркий ёзма ёдгорликлардаги мифларнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлаш; қадимги туркий ёзма ёдгорликларда шомонлик ва унинг ўзбек мифологиясини юзага келтирувчи асосий омиллардан бири эканлигини очиб бериш; қадимги туркий ёзма ёдгорликлар ва туркий халқлар, айниқса, ўзбек фольклорига анъанавий дунёқараш ҳамда мифологемалар табиатини белгилашдан иборат.

Ўқув-услубий қўлланмада қадимги туркий ёзма ёдгорликлари, “Олтун ёруғ”, “Хуастуанифт”, туркий-рун ёзма ёдгорликлари, “Ирқ битик” ва монийлик фолномаларидаги мифлар умумтуркий, айти пайтда, ўзбек мифологиясининг таянч манбаларидан бири эканлиги, “Олтун ёруғ”, “Хуастуанифт”, туркий-рун ёзма ёдгорликлари, “Ирқ битик” ва монийлик фолномаларидаги космогоник мифлар фабуласига асосланган ҳолда уч қаватли олам модели ҳақидаги қадимги туркий қавмлар тасаввурлари ўзбек мифологиясида қандай кўринишларда сақлангалиги, қадимги туркий ёзма ёдгорликлардаги самовий жисмлар култи туркий халқлар фольклори намуналари, хусусан, миф ва афсоналари билан қиёсий ўрганилиб, семантик-функционал жиҳатлари очиб берилиши методикаси кўрсатилган;

Ўқув-услубий қўлланмадан туркий халқлар, жумладан, ўзбек адабиёти тарихи, фольклори, мифологиясини ўрганишда талабалар ва профессор-ўқитувчилар “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Ўзбек халқ оғзаки ижоди”, “Ўзбек мифологияси”, “Қадимги туркий тил”, “Фольклоршунослик” йўналишида дарслик ва қўлланмалар яратишда, мифологик луғатлар тузишда, ихтисослик фанларини ўқитишда, амалий ва семинар машғулотлари олиб боришда кенг фойдаланиш мумкин.

1 боб. ДУНЁ ОЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН МИФЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

1.1. Жаҳон олимларининг мифологияга оид тадқиқотлари ҳақида

Жаҳон халқлари мифопоэтикасида космогоник мифлар етакчи ўрин тутadi. Оламни билиш, тушуниш, англаш, унинг ўзига хос мезонларини кўрсатиб берувчи бундай мифлар ҳақида кўплаб олимлар тадқиқот олиб борганлар. Хусусан, Дж.Фрээр, О.Фрейденберг, В.Топоров, А.Лосев, М.Матье, С.Краммер, Е.Мелетинский, М.Элиаде, Л.Воеводиналар¹ асосан қадимги Миср, Шумер, Жанубий ва Шимолий Америка, қадимги Ҳинд, қадимги Хитой каби халқлар мифологияси ҳақида фикр билдирганлар.

Жумладан, Л.Н.Воеводина миф ва маданият алоқаларида космогоник мифларнинг аҳамияти тўғрисида фикр юритади. Олим мифлар маданиятнинг илк кўриниши, унинг ажралмас полифункционал қисми эканлигини таъкидлайди. Архаик ва космогоник мифларни ўзаро қиёслаб, вақтлар ўтиши билан уларнинг ўзгарган мотивларини таҳлил қилади. Дунё космогониясида қадимги Греция, қадимги Миср, қадимги Эрон, қадимги Хитой, Африка халқлари, қадимги Исроил, қадимги Ҳиндистон, Австралия аборигенлари мифлари хусусиятларини ва ўзига хослигини асл матнга таянган ҳолда ўрганади ва таҳлил қилади.

В.Н.Топоров эса жаҳон космогоник мифологиясини қиёсий аспектда ўрганади. У дунёнинг яратилиши, ундаги бир неча қаватли оламлар, аجدодлар руҳи ва самовий жисмлар культлари² тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдиради. Олимнинг фикрича, архаик мифлар ривожини космогоник мифлар яратилишига асос бўлиб, космогоник мифлардан бошқа турдаги мифлар ажралиб ривожланган. Олим инсон тафаккурида космогоник борлиқ ҳақидаги тасаввурларнинг кенгайиб бориши натижасида у оламга ўзгача назар ташлай бошлагани, бунинг натижасида мифлар дунёсида турли-туман янги образлар пайдо бўлганлигини далиллайди. Унинг жаҳон космогоник мифологиясидаги *“Дунё дарахти”*³ тушунчасини қадимги халқлар

¹ Фрээр Дж. Дж. Золотая ветвь: Исследование магии и религии. «Политиздат». – М.: 1986; Фрейденберг О.М. Миф и литература древности. «Наука». – М.: 1978; Топоров В.Н. Космогонические мифы // Мифы народов мира: Энциклопедия. – М.: 1980. Т 2; Лосев А.Ф. Диалектика мифа. «Правда». – М.: 1990; Матье М.Э. Древнеегипетские мифы. «Наука». – М., -Л.: 1956; Kramer S.N. Mythologies of the ancient world. New York. 1961. Пер. Дьяконова И.М. «Наука». – М.: 1977; Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. «Наука». – М.: 1976; Элиаде М. Космос и история. «Прогресс». – М.: 1987; Воеводина Л.Н. Мифология и культура. Институт общегуманитарных исследований. – М.: 2002.

² Культ латинча *“cultus”* сўзидан олинган бўлиб, *“хурмат”*, *“таъзим”* маъноларини англатади. *Культ* – у ёки бу объектлар (тарихий ва мифологик шахслар, уларнинг тасвирлари, турли туман мавжудотлар, буюмлар, ландшафтлар ва шу каби)ларни эъзозлаб, илоҳийлаштиришдир.

³ *“Дунё дарахти”* тушунчаси космогоник мифлар учун умумий сюжет ҳисобланиб, кўпчилик халқлар мифологиясида учрайди. Бу тушунчага кўра ер маркази ҳисобланган тоғ чўққисида бир дарахт ўсади. Бу дарахтнинг илдизи ернинг киндиги билан боғланган бўлиб, олтой туркийларида *“Олтин баргли бой терак”*

карашлари билан қиёслаши, айниқса, диққатга сазовордир¹. Олимнинг таъбири билан айтганда, “самовий ёки космогоник мифлар ва оламнинг тузилиши ҳақидаги тасаввурлар мифопозетик тафаккурнинг бошқа шакллари орасида алоҳида ўрин тутати. Зеро, бундай карашлар оламнинг макон ва замон ўлчамлари билан боғлиқ тасаввурлари уни ўраб олган ижтимоий ҳаётдаги шарт-шароитлар ҳамда мифологик тасаввур объектларининг моҳиятини ўзида мужассамлаштиргани билан характерланади”².

М.Э.Матъе қадимги Миср тошбитикларидаги матнларга асосланиб, улардаги космогоник мифларни таҳлил қилади. У биринчилардан бўлиб қадимги Миср халқларининг космогоник мифлари матнига таяниб, уларнинг қадимги космогониясини ва оламлар бўлинишининг схемасини тиклайди.

С.Н.Крамер қадимги Миср халқларининг космогоник тасаввурларини пиктографик тасвирлардаги космогония билан қиёслади. Унда “*Самовий сигир*”, “*Дунё дарахти*” космогоник-пиктографик тасвирлар таҳлил қилинади. Олим бу ўринда қадимги Мисрда турли йилларда ҳукмронлик қилган подшоҳликлардаги космогоник-мифологик образларнинг ўзгариш динамикасини кўрсатади.

Е.М.Мелетинский классик миф кўринишлари ҳақида фикр юритиб, улардаги горизонтал ва вертикал оламларга баҳо беради. Унинг изланишларида горизонтал олам³ билан боғлиқ мифлар “само оламида эмас, балки фақатгина ер оламида содир бўлади. Вертикал олам⁴ асосини самовий ва ер олами ташкил этади”⁵ – деган асосли фикрларни учратамиз. Космогоник мифологик ўлчамлар ҳақидаги Е.М.Мелетинскийнинг ушбу фикрлари ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Юқорида илмий ишлари таҳлил қилинган олимларнинг барчаси жаҳон мифопозетикасига илмий фикрлари билан катта ҳисса қўшган. Биз эса мазкур олимларнинг фақатгина космогоник мифология билан боғлиқ илмий

ёки “*Бой қайин*” деб аталган. Қаранг: Каруновская Л. Э. Представления алтайцев о вселенной (Материалы к алтайскому шаманству) // Советская этнография. Изд. АН. – М.: 1935. № 4-5. – С. 161-177. Бундан ташқари, туркийлар дарахтга жонли мавжудот сифатида қарашган. Улар ёши катта дарахтларни кесибмаган. Уларни фақат уй қуриш учун кесиш мумкин бўлган. Яна қаранг: Алексеев Н.А. Ранние формы религии тюркоязычных народов Сибири. «Наука». – Нов-ск: 1980. – С. 61. X асрда Волга дарёси бўйига саёхат қилган Ибн Фадлан у ерда истикомат қилувчи туркийлар бўйинига ёғоч парчасидан ясалган тумор осиб юриши ва “ўзларини дарахтдан яралган...” деб ҳисоблашларини айтиб ўтган. Қаранг: Жўраев М. “Ўғузнома” ва қадимги туркий мифология // Ўзбек тили ва адабиёти. 2010 й. № 6. – Б. 26-27. Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Путешествие Ибн-Фадлана по Волге. Изд. АН. – М., - Л., 1939. – С. 66.

¹ Топоров В. Н. К реконструкции мифа о мировом яйце // Труды по знаковым системам. Т. 3. – Тарту.: 1967. – С. 61.

² Топоров В. Н. Мифы народов мира. Энциклопедия. Т.2. – М.: 1980. – С. 192.

³ Горизонталь оламда дунё *унг – чап, олд – орқа, шимол – жануб, шарқ – ғарб* каби томонларга бўлиб тасаввур қилинади.

⁴ Вертикаль оламда дунё *юқори – паст, яъни, ер – осмон – ер ости* каби қаватларга бўлинган ҳолда тасаввур қилинган.

⁵ Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. «Наука». – М.: 1976. – С. 248.

мулоҳазалари, фикрлари ва айрим тадқиқотларини қисқача тарзда изоҳлашга ҳаракат қилдик.

Шу маънода туркий халқлар космогонияси, умуман олганда, мифологияси ҳақида ҳам бир қанча олимлар изланишлар олиб борганлар ва қимматли фикрлар билдирганлар. Хусусан, Н.Я.Бичурин, Л.Н.Гумилев, С.В.Киселев, С.Г.Кляшторный, И.В.Стеблева, Л.П.Потапов, А.М.Сағалаев, Р.Н.Безертинов, Н.А.Алексеев, И.С.Гуревич, М.Элиаде, А.Бисенбаев, С.А.Каскабасов, А.Баймырадов, Я.Калафат (Y.Kalafat), Г.Ўгел (G.Ögel), А.Инон (A.İnan), Н.М.Маллаев, Б.Саримсоқов, Н.А.Раҳмонов, А.Мусакулов, Ғ.Ақромов, М.Жўраев, Б.Тўхлиев, Ш.Турдимов, Ж.С.Эшонқулов¹ каби олимлар фикр билдирганлар. Туркий халқлар мифологиясига, умуман, туркий халқларга бўлган қизиқиш Ўрхун-Энасой битиктошларининг топилиши билан боғлиқ, десак хато бўлмайди. Битиктошларни ўқиш баробарида у ердаги қадимги туркийлар инонч-этикоди билан боғлиқ сўзлар ўқилди ва таҳлил қилинди. Мифологияга оид изланишларнинг асосий қисми ўтган асрнинг бошларига тўғри келади. Бу жиҳатдан Москва, Санкт-Петербург туркологик мактабидаги олимларнинг изланишлари диққатга сазовордир.

¹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – М., Л.: 1950; Гумилев Л.Н. Древние тюрки. «Наука». – М.: 1967; Киселев С.В. Древняя история Южной Сибири. Изд-во АН. – М.: 1951; Кляшторный С.Г. Памятники древнетюркской письменности и этнокультурная история Центральной Азии. «Наука». – СПб.: 2006. Мифологические сюжеты в древнетюркских памятниках // Тюркологический сборник. – М.: 1981; Стеблева И.Я. Жизнь и литература доисламских тюрков. «Восточная литература» РАН. – М.: 2007; Потапов Л.П. Алтайский шаманизм. «Наука». – Л.: 1991; Сағалаев А.М. Мифология и верования алтайцев. Центрально-азиатские влияния. «Наука». – Нов-ск: 1984; Безертинов Р.Н. Тенгрианство-религия тюрков и монголов. «Слово». – К.: 2004; Алексеев Н.А. Ранние формы религии тюркоязычных народов Сибири. «Наука». – Нов-ск: 1980; Шаманизм тюркоязычных народов Сибири. «Наука». – Нов-ск: 1984; Традиционные религиозное верование тюркоязычных народов Сибири. «Наука». – Нов-ск: 1992; Гуревич И.С. Космогонические представления и пережитки тотемического культа у населения Оленекского района // «Советская этнография». 1948. №3. – С. 128-131; Элиаде М. Космос и история. «Прогресс». – М.: 1987; Бисенбаев А. Мифы древних тюрков. – Алматы: 2007; Каскабасов С.А. Казахская несказочная проза. «Наука». – Алма-ата: 1990; Баймырадов А. Туркмен халқ қыссаларының тарыхы – генетик эволюциясы ва поэтикасы. Филол. фан. док. дисс. Автореферат. – Ашхабад: 1994; Kalafat Y. Doğu Anadolu'da Eski Türk İnanclarının izleri. AKM. – Ankara. 1999; Ögel B. Türk mitolojisi. İstanbul. I cild. Türk Tarih kurumu basımevi. – Ankara: 1995; İnan A. Tarihte ve Bugün Şamanizm. Türk Tarih kurumu basımevi. – Ankara: 1972; Маллаев Н.М. Из вечного родника: Фольклорные истоки творчества Навои. Изд. лит. и искусства имени Г.Гуляма. – Т.: 1983; Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. «Фан». – Т.: 1997. – Б. 97-148; Раҳмонов Н.А. Поэтика памятника Кюль Тигину. Дисс. на соиск. канд. наук. – Т.: 1983; Ўрхун – Енисей ёдномалари ва туркий эпослар. Филол. фан. док. дис. – Т.: 1991; Рухиятдаги нур муроди. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. – Т.: 2002; Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. I жилд. «Фан». – Т.: 2005; Мусакулов А. Ўзбек халқ лирикаси. «Фан». – Т.: 2010; Ақромов Ғ. Миф ва ёзма адабиёт муносабатига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996 й., № 2, 4, 5, 6-сонлар; Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари. Филол., фан., док., дис. – Т.: 1996; Жўраев М., Нарзикулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. – Т.: 2006; Тўхлиев Б. Учлантириш мотиви / Юсуф Хос Ҳожиб ва туркий халқлар фольклори. Баёз. – Т.: 2014. – Б. 108-111; Турдимов Ш. «Тўрўғли» достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. «Фан». – Т.: 2011; Эшонқулов Ж.С. Ўзбек фольклорида дав образининг мифологик асослари. Филол. фан. ном. дис. – Т.: 1996; Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини. Филол. фан. док. дис. – Т.: 2010; Ўзбек эпик асарларида «ўзга» дунё тушунчаси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996 й., № 2.

Жумладан, рус олимаси И.В.Стеблеванинг тадқиқотларида, асосан, исломдан аввалги туркий халқлар адабиёти, уларнинг турмуш тарзи, давлат қурилиши, сиёсий-ижтимоий тарихи ёритилган. У қадимги туркий адабиётни ўрганиш, таҳлил қилиш жараёнида мифологик образларга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Олиманинг “*Жизнь и литература доисламских тюрков*” китобида бу образларни чуқурроқ таҳлил қилгани кўзга ташланади. Китобда энг қадимги Кўк турклар (VI-VIII), Уйғур хоқонлиги, Энасой қирғизлари давлати, Кочо (Турфон) давлатларида ижтимоий - сиёсий ҳаёт, дин ва туркий дунёқарашда мифларнинг тутган ўрни ҳақида ҳам қимматли фикрлар билдирилган. Китобда “Ирк битик”, монийлик шеърларидаги мифологик сюжетлар ҳақида ҳам қадимги туркий, қадимги Хитой манбалари асосида фикрлар айтилган. Олиманинг исломгача бўлган туркий қавмлар ва ҳозирги турк халқи мифологияси ҳақидаги очерклари ҳам диққатга сазовор¹. И.Я.Стеблева қадимги туркий эътиқодга турли бошқа динларнинг таъсири бўлганлигини айтиб, бу жараёни тадқиқ этиш учун туркий мифлар асос вазифасини ўташини таъкидлайди. Мифларда акс этган турли динларга оид қарашлар қиёсланади. Шундай таҳлиллар бўлишига қарамай, И.Я.Стеблеванинг тадқиқотларида космогоник мифологияга кенг ёритилган дея олмаيمиз. Унинг асосий мақсади – туркий мифологиянинг мазмун-моҳияти ҳақида умумий тасаввур бериш бўлган.

Р.Н.Безертиновнинг ишларида² эса маълум маънода қадимги туркий космогоник мифлар ҳақида фикрлар мавжуд. Унинг қадимги туркийлар дини, уларнинг анъанавий дунёқараш ҳақидаги қарашлари ўринлидир. Олим туркий мифларни ўрганиш пировардида “туркийлар дини тангричилик эди”, – деган фикрга келади. Биз учун муҳими, олим томонидан қадимги туркий мифлар поэтикасининг айрим қирралари тадқиқ этилганлигидир.

С.Г.Кляшторний³ эса айрим қадимги туркий ёзма ёдгорликлардаги мифологик образларга эътибор бериб, уларга асосланган ҳолда туркийларнинг мифологик фабуласини тиклаш масаласини ўртага қўяди. Мангутошлардаги *Кўк Тангри*, *Ер-Сув*, *Умай* ҳақидаги фикрларни изчил таҳлил қилади. У биринчилардан бўлиб мангутошлардаги туркий мифологик сюжетлар ҳақида фикр юритиб, уларни қуйидагича таснифлашни таклиф қилади: 01. Космогония ва космология. 0.01. Дунёнинг яратилиши ва қурилиши ҳақидаги мифлар. 0.02. Космик ҳалокатлар ҳақидаги мифлар. 02.

¹ Стеблева И.Я. Синкретизм религиозно-мифологических представлений домусульманских тюрков // Народы Азии и Африки. – М.: 1989. № 4. – С. 51; Очерки турецкой мифологии. «Восточная литература». – М.: 2002. – С. 6.

² Безертинов Р.Н. Тенгрианство-религия тюрков и монголов. «Слово». – К.: 2004.

³ Кляшторний С.Г. Памятники древнетюркской письменности и этнокультурная история Центральной Азии. «Наука». – СПб.: 2006.

Пантеон ва социум. 0.02. Худолар ва уларнинг қудрати ҳақидаги мифлар. 0.002. Хоконлар ва давлатларни худо томонидан яратилиши ҳақидаги мифлар. 03. Этногония ва генеалогия. 0.03. Туркий қабилаларнинг келиб чиқиши ҳақидаги мифлар. 0.003. Аждодлар ва марҳумлар руҳи ҳақидаги мифлар.¹ Олим “Ирқ битик”даги айрим сўзларнинг дешифровкасини қайтадан амалга ошириш орқали туркийларнинг мифологияга асосланган дунёқараши ҳақида яхлит фикрга келиш мумкинлигини эътироф этади.

Л.Н.Гумилёв эса “Қадимги турклар” китобининг “Туркутлар дини” бўлимида айрим мулоҳазаларни айтиб ўтади. Унда “Туркутларнинг² қадимги дини ҳақида асосий маълумотлар хитойларнинг “Вэйшу” ва “Суйшу” йилномаларидан ўрин олган. Бу хабарлар зиддиятли бўлиши билан бирга, тушунарсиз ҳам. “Вэйшу”да туркут динига мос қуйидаги ақидалар кўрсатилади: 1. Кунчиқар мамлакатига эҳтиром юзасидан хон ўрдасига кириш шарқ томонда бўлади; 2. Ҳар йили хон барча аъёнлари билан аждодлар ғорида қурбонлик қилади; 3. Бешинчи ойнинг ўрта ўн кунлигида барчани йиғиб, дарё бўйида кўк тангри руҳига бағишлаб қурбонлик қилади; 4. Дугиндан 500 *ли* ғарбда баланд тоғ бўлиб, унинг тепасида на дарахт, на ўсимлик ўсади. Уни Бўдининли деб аташади, таржима қилинса, “мамлакатнинг хомий руҳи” деганидир”³ каби фикрларни учратамиз. Олим йилномалардаги бу фикрлардан фойдаланиб, ўзига хос хулосалар чиқаради. У қадимги хитойликларнинг Туркутлар Кўкка сиғинадилар, унга қурбонликлар келтирадилар, деган фикрига асосланиб, туркутларнинг диний эътиқоди, Тангри, Ер-Сув худолари ва шомонлик эътиқоди ҳақида айтиб ўтади. Улардаги “Осмон руҳи”, “Кўк ва осмон” каби тушунчаларини қадимги туркий мифлардаги айрим образларни таҳлил қилиш орқали баҳо беради.

А.Бисенбаев қадимги туркий мифларни ҳозирги қозоқ афсоналари билан қиёслайди. Космогоник мифологияда қуёш, ой каби жисмларнинг ўрни ҳақида ҳам қисқача айтиб ўтади.

Сибирлик олим С.В.Киселевнинг илмий асарларида Жанубий Сибир халқларининг қадимги тарихига ва ижтимоий ҳаётига назар ташлаш баробарида, уларнинг маданияти, диний қарашларига муносабат билдиради. Олим “Афанасьев даври” ёдгорликларига таяниб, бир қанча диний қарашлар ва тушунчаларни аниқлайди. Уларни Жанубий Сибир халқларидаги мифлар

¹ Кляшторный С.Г. Мифологические сюжеты в древнетюркских памятниках // Тюркологический сборник 1977. «Наука». – М.: 1981. – С. 120.

² Туркутлар ҳақида батафсил маълумот учун қarang: Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. “Фан”. – Т.: 2007. – Б. 4-6. Бу ерда А. Айритомий ва Б. Ўрдабеклиларнинг бу сўз ҳақидаги фикрлари далилли ва диққатга сазовордир.

³ Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. “Фан”. – Т.: 2007. – Б. 84.

билан қиёслайди. У ўзининг “Древняя история Южной Сибири” китоби сўзбошисида шундай ёзган эди: “Жанубий Сибир тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш анча олдин уйғонган. Бу борада Пётр I давридаёқ археологик ишлар бошлаб юборилган эди. Жанубий Сибир ўз топилмалари билан нафақат археология балки туркий лингвистика, маданият, илк диний қарашларни ҳам ўзгартириб юборди”.¹ Олим археологик топилмалар ёрдамида фақат Жанубий Сибир тарихини тиклаб қолмай, у ердаги туркий халқлар урф-одатлари, дини ва дунёқарашини ҳам тиклашга уринган.

Шомонлик туркий халқлар маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Туркий мифларнинг сақланиб қолишида шомонлик оқимининг ҳиссаси катта. Шомонлар мифлар орқали Тангри ва руҳлар билан боғланишни ўрганганлар. Бунинг натижаси ўлароқ, мифлар бизгача етиб келди. Сибирлик олим Л.П.Потаповнинг “Алтайский шаманизм” китобида бу ҳолатлар ёритилган. У шомонлик орқали туркий мифологияга алоҳида эътибор бериб, Олтой шомонлари саъй-ҳаракатлари туфайли сақланиб қолган мифларни таҳлил қилади. Бу асарда космогоник мифларнинг шомонлик билан боғлиқлиги ҳақидаги фикрларни учратамиз. Эътиборлиси шуки, шомонлик ва дунёнинг яратилиши ҳақидаги мифлар ўртасидаги боғлиқлик қиёсланади. Китобнинг “*Олтой шомонлари пантеони*” бўлимида *Улген*, *Эрлик*, *Тангри*, *Муқаддас Ер-Сув*, *Умай* каби қадимги туркий космогоник инонч-этикод билан боғлиқ образларга ҳам назар ташлайди. Олим кўпроқ ёзма ёдгорликлар манбаларига эмас, фольклор манбалари асосида фикр юритган.

Яна бир сибирлик олим А.М.Сагалаев олтой халқининг урф-одатлари, мифлари ва эпосларидаги *Ахурамазда* образи, *Будда персонажлари*, *Бурханизм* қолдиқларини таҳлил қилар экан, Тибет мифларидаги дунёнинг яратилиши ва қурилишига оид қарашларни қадимги туркий мифлар билан қиёслайди ва унинг фикр-хулосалари ўзини оқлайди. У олтой мифларидаги Эрлик, Улген, Мойтўра каби образларни буддавийлик образлари билан қиёслаб, уларни семантик-функциявий жиҳатдан тадқиқ этади. Космогоник тасаввурга кўра, ер ости образлари Эрлик ва унинг ўғиллари, малайлари вазибаларини халқ оғзаки ижоди афсоналарининг сюжетлари билан қиёслайди. Олим XIX асргача яшаган олтой халқлари диний дунёқарашидаги ўзгаришлар динамикасига назар ташлаш билан бирга, мифологик образлар ва уларнинг функциясидаги айрим параллелликларга ҳам диққатини қаратади.

Турк олимларининг ишларида ҳам қадимги туркий мифлар ҳақида изланишлар умумий тарзда олиб борилган. Дунёнинг яратилишига оид

¹ Киселев С.В. Древняя история Южной Сибири. Изд. АН. – М.: 1951. – С. 5-6.

карашларда космогоник мифлар, осмон (Кўк), ер, сув, қуёш, ой культлари ҳақида айрим фикрлар мавжуд. Айниқса, Яшар Калафатнинг фикрлари диққатга сазовордир. Унинг изланишларидан қадимги туркларнинг қурбонлик маросимлари билан боғлиқ мифлар таҳлил қилинганлигига гувоҳ бўламиз. Бундан ташқари, тангричиликнинг Онадўлидаги излари ҳақида фикрлари ҳам эътиборлидир¹. Олим бу мифлар таркибида сақланиб қолган урф-одатларни ҳозирги Туркиядаги маросимлар билан қиёслайди. Турғут Окпинор² турк мифларига Сибир халқлари мифларини ўрганиш орқали назар ташлайди. А.Инон, А.Дада, А.Дўнук, А.Ўзтурк³ эса шомонлик ҳақида фикр юритиб, турли туркий халқлар мифларидан намуналар келтирадилар. Улар космогоник мифлар ҳақида ҳам йўл-йўлакай айтиб ўтадилар.

Назорат саволлари

1. Дж.Фрэзер, О.Фрейденберг, В.Топоров, А.Лосев, М.Матъе, С.Крамер, Е.Мелетинский, М.Элиаде, Л.Воеводиналарнинг қандай асарлари бор?

2. Дж.Фрэзер, О.Фрейденберг, В.Топоров, А.Лосев, М.Матъе, С.Крамер, Е.Мелетинский, М.Элиаде, Л.Воеводиналар асосан қайси халқлар мифологияси ҳақида фикр билдирганлар?

3. Туркий халқлар мифологияси ҳақида тадқиқот олиб борган олимлар изланишлари ҳақида маълумот беринг.

4. Н.Маллаев, Б.Саримсоков, Н.Раҳмонов, А.Мусақулов, Ғ.Ақромов, М.Жўраев, Б.Тўхлиев, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқулов каби ўзбек олимларнинг мифологияга оид қарашларини ўрганиш?

5. Турк олимлари Я.Калафат (Y.Kalafat), Г.Ўгел (G.Ögel), А.Инон (A.Inan)ларнинг асарлари мазмунини таҳлил қилинг.

Топпирик

Жаҳон ҳамда ўзбек олимларининг мифологияга оид асарларидан исталган биттасини ўқиш ҳамда қиёсий таҳлилни амалга ошириш.

Калит сўзлар

Мифология, қадимги халқлар миологияси, туркий халқлар мифологияси, Ўзбек мифологияси, муқаддас культлар, шомонлик, Улген, Эрлик, Тангри, Муқаддас Ер-Сув, Умай, пантеон, Афанасьев даври, “Самовий сизир”, “Дунё дарахти”

¹ Kalafat Y. Doğu Anadolu'da Eski Türk inançlarının izleri. AKM. – Ankara.: 1995. – S. 12-19.

² Turgut A. Eski Türklerin dini tek Tanrı inancı mıydı? // Tarih ve toplum. Sayı: 27. – İstanbul.: 1986. – S. 147-149.

³ İnan A. Müsülman Türklerde Şamanizm kalıntıları // İlahiyat Fakültesi Mecmuası. – Ankara.: 1954. – S. 19-30; Dede A. Batı Trakya Türklerinde Eski Türk Dini Şamanizm'den Kalıntılar // 2. Milletlerarası Türk Folklor Kongresi (Bildirileri). – Ankara.: 1982. – C. 93-108; Donuk A. Eski Türkler Dini Şamanizm mi idi? // Türk Dünyası Tarih Dergisi. – Ankara.: 1988. – S. 7-12; Öztürk A. Türk Efsanelerinde Şamanizm İzleri // 1. Milletlerarası Türk Halk Edebiyatı ve Folklor Kongresi. – Konya.: 1988. – S. 131-152.

1.2. Ўзбекистонлик олимларининг Ўзбек мифологиясини ўрганишига доир қарашлари

Ўзбек олимларидан Н.А.Раҳмоновнинг “Поэтика памятника Кюль Тигину” номзодлик диссертацияси, “Инсон руҳининг садоси”, “Ўрхун – Енисей ёдномалари ва туркий эпослар” докторлик диссертацияси, “Руҳиятдаги нур муроди”, “Турк хоқонлиги”, “Ўзбекистоннинг кўҳна туркий – рун ёзувлари”¹ монографияси ҳамда “Олтун ёруғ” асарида туркий мифология ҳақида қимматли фикрлар билдирилган. Хусусан, космогоник мифология ҳақида қисман тўхталиб, “Қадимги енисей турклари космогоник мифларининг қурилиши *бинар оппозицияга*² асосланган”, – деб таъкидлайди.³ Олим монийлик мифологиясини, Ўрхун-Энасой ёдномаларидаги мифологик тасаввурларни аниқ манбалардаги мисоллар орқали тадқиқ қилган. 1964 йили Қува ва Попдан топилган битикларни биринчи марта ўқиш орқали қадимги туркийларнинг айрим космогоник культларига ойдинлик киритган. Қолаверса, у Монийларнинг тавбаномаси “Хаустуанифт”даги мифологик образлар ва “Авесто”даги айрим образларни қиёслаган ҳолда фикр юритади. Бундан ташқари, монийлик шеърларида *Тонг тангриси (Қуёш), Ой тангриси* ҳақидаги қарашлари, Ўрхун ёдномаларидаги Тангри, тоғ, ўрмон культлари ҳақида фикрлари диққатга сазовор. “Олтун ёруғ” асарининг яратилишида туркий халқларнинг иштироки, қадимги туркий халқлар мифологиясидаги Эрлик образи ҳақидаги қарашлари ҳам космогоник мифология ҳақидаги айрим фикрлар, холос. У махаяна мифологияси, “Авесто” мифологияси, “Ригведа” мифологиясидаги айрим образларни ўзаро қиёслаб, улар ўртасидаги генетик алоқаларни тиклашга ҳаракат қилган. Айниқса, “Ирқ битик”даги мифологик мотивлар ҳақида қуйидаги фикрлари диққатга сазовордир: “Ирқ битигида фольклор мотивларини ҳам, космогоник ва календарь мифни ҳам, тотемистик мифни ҳам, табиатнинг жонли тасвирини ҳам кўрамыз.”⁴

Бундан ташқари, Н.А.Раҳмонов Алп Эр Тўнга шахси ва ёзма манбалардаги образи ҳақида фикр билдирар экан, унинг авлодлари худоси Кўк Тангри, дини эса тангричилик деб айтади. Бу фикрни қадимги туркийлар

¹ Раҳмонов Н.А. Поэтика памятника Кюль Тигину. Дисс. на соиск. канд. наук. – Т.: 1983. Инсон руҳининг садоси. (“Фан ҳақида суҳбатлар” туркуми №35) “Ўзбекистон”. – Т.: 1986. Ўрхун-Енисей ёдномалари ва туркий эпослар. Филол. фан. док. дис. – Т.: 1991. Турк хоқонлиги. А. Қодирий номидаги халқ мероси наприёти. – Т.: 1993. Раҳмонов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари. “Фан”. – Т.: 2006.

² Бинар – иккилик, оппозиция – қарама-қаршилик дегани. Мифологияда яхшилик ва ёмонлик томонларининг бири бири-билан кураши шундай деб номланади.

³ Раҳмонов Н.А. Поэтика памятника Кюль Тигину. Дисс. на соиск. канд. наук. – Т.: 1983. – С. 116.

⁴ Раҳмонов Н. Инсон руҳининг садоси. (“Фан ҳақида суҳбатлар” №35) “Ўзбекистон”. – Т.: 1986. – Б. 7.

яратган космогоник мифлардаги нариги дунё ҳақидаги тасаввурлар орқали далиллайди.¹

Н.М.Маллаев “Алишер Навоий асарларида космогоник мифлар алоҳида ўрин тутати”, деб таъкидлаб, улардаги сайёралар номлари, юлдузлар, самовий жисмларнинг мифологик асосларини талқин этади. Олим “космогоник мифология унсурлари Навоий асарлари колоритини бойитган”, деган хулосага келади.² Бирок Н.М.Маллаев айнан бирор космогоник мифни Навоий асарларидаги номлар билан қиёсламайди. Уларнинг келиб чиқишига тўхталмайди.

М.Жўраев “самовий афсоналар”ни космогоник мифлар негизидан излаб, унинг тарихий асосларини ўзбек халқ самовий афсоналари орқали ёритишга ҳаракат қилади. Олим афсоналарга таянишининг сабабини қуйидагича изоҳлайди: “Маълумки, афсона ҳаётда бўлмаган ва бўлиши мумкин ҳам бўлмаган воқеа-ҳодисалар, табиат ва жамият ҳаёти билан алоқадор ўта фантастик, муболағали уйдирмага асосланган ҳикоялар бўлиб, халқ оғзаки ижодининг энг қадимги намуналари сафига кирса-да, кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътироф этишларига кўра, афсона жанри тарихан мифологияга бориб тақалади”. Шунингдек, олим миф ва унинг космогоник тури ҳақида фикр юритиб, уни қуйидагича таърифлайди: “Бизнингча, миф – олам ҳақидаги қадимги одамнинг илк тасаввурлари бўлса-да, у нима биландир ифодаланган сўз воситасида баён қилинган бўлиши керак. Ана ўша ифодаланган нарса, қадимги одам тасаввурини ўзида акс эттирган ёки ҳикоя қилиб берган нарса – мифдир. Космогоник миф ва эътиқодий қарашлар қадимги одамнинг олам ҳақидаги энг кўҳна, ибтидоий тасаввурлари йигиндисидан иборат бўлса, самовий афсоналар ана шу мифологик инончлар системасининг халқ ҳаёлати призмаси орқали ўтиб, асрлар давомида бадиий жиҳатдан такомиллаштирилган, яъни, космогоник мифларнинг ҳикоявий шаклда баён қилинган фольклор асарига айланган кўринишидир. Улар соф мифик тасаввур тарзида мавжуд бўлган”³ дейди. Бундан ташқари, М.Жўраев самовий афсоналар генезиси ва поэтикаси, уларнинг таснифи масалаларига ҳам тўхталиб ўтган. М.Жўраев қадимги туркий космогоник культлардан *қуёш, ой, сув, гор культлари* ва Умай образига оид фикрларни ҳам айтиб ўтган. Унинг гор култи ҳақидаги фикри диққатга сазовордир: “Туркий халқлар фольклоридаги мифологик қарашга кўра, гор ўзга оламга ўтиш йўли ёки ғайриоддий хислатли кишилар, пирлар, хомийлар истиқомат қиладиган

¹ Раҳмонов Н. Турк хоқонлиги. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. – Т.: 1993. – Б. 12-87-92.

² Маллаев Н.М. Космогонические мифы / Из вечного родника: Фольклорные истоки творчества Навои. Изд. лит. и искусства имени Г. Гуляма. – Т.: 1983. – С. 96., 102.

³ Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари. Филол. фан. док. дис. – Т.: 1996. – Б. 30-56.

жой сифатида тасаввур қилинган”. У “Сабаъи сайёр” достонидаги самовий мифларнинг айрим образларини қадимги туркий хомий худо Умайга киёс қилиш орқали жиддий таҳлилий фикрлар айтган.¹

Бизнинг ҳудудимиздаги оламнинг ибтидоси ва интихоси тўғрисидаги афсоналар қадимги турк мифологиясининг таркибий қисми бўлиб, самовий тасаввурлар ва космогоник қарашларнинг семантик ривожига сифатида шаклланган. Бу бадий силсилада *шумер, саклар, араб, форс, ҳинд, мўғул-буярат* фольклорига тегишли бўлган мифлар сюжетларининг излари, шунингдек, Ўрта Осиёда қадимда яшаган аجدодларимизнинг осмон жисмлари билан боғлиқ эътиқодий қарашлари ҳам ўз ифодасини топган. Ўзбек халқ самовий афсоналарида оламнинг яратилиши, бирламчи самовий уммон тубидан олиб чиқилган лойдан ернинг бино этилиши, осмон билан заминнинг бир-биридан ажралиши, оламнинг горизонтал ва вертикал йўналишига кўра тузилиши тавсифи, охир замон, яъни қиёмат-қойим ҳақидаги мавзулар ўзининг мукаммал бадий талқинига эга. Аммо бизгача бу афсоналарнинг тўлиқ матни сақланиб қолмаган бўлиб, қадимий самовий мифлар мотивлари турли характердаги афсоналар, маросим фольклор намуналари ҳамда халқ қарашларига сингиб кетган мифологик эътиқодлар тарзида, яъни, самовий миф қолдиқлари ҳолида етиб келган. Космогоник мифология – ўзбек халқ самовий афсоналари вужудга келиши учун бирламчи эпик замин вазифасини ўтаган. Ўзбек афсоналари сюжет тузилишининг шаклланиши ва тарихий эволюциясида салмоқли ўрин тутган,² – деган хулосаларга келган. Унинг мифларни афсона учун асос сифатида қараши эътиборни тортади. Миф – фольклор жанрларининг тадрижий ўсиб бориши учун ҳақиқатдир, шу билан бирга, афсоналар таркибидаги мифологик образлар эстетик тафаккурдан далолат ҳамдир.

Б.Саримсоков миф ва эртак ўртасидаги муносабатга эпик жанрларнинг диффузияси натижасида юзага келган ҳолатлар орқали баҳо беради. Унинг фикрича, мифологик код ўрнига ижтимоий-эстетик код тикланади, аммо эртак таркибидаги мифнинг рационал маъзи сақланиб қолади. Мифологик символ диффузия натижасида эртакда поэтик кўчимга айланади. Қадимги туркий мифологиядаги асосий культ – қуёш образи “*Кенжа ботир*” эртагидаги образлар билан қиёсий таҳлил қилинади. Бу борада Б.Саримсоков туркийларнинг дунёни бўлинган ҳолда тасаввур қилишлари ҳақида ҳам қисман тўхталиб ўтган. Шунингдек, халқ эртак ва достонларидаги парининг кўк қаптар қиёфасида тасвирланишида “*Кўк*” атамасини қадимги туркийлар

¹ Жўраев М., Нарзикулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. – Т.: 2006. – Б. 124-168-169.

² Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари. Филол. фан. док. дис. – Т.: 1996. – Б. 31-110.

худоси – “*Кўк Тангри*” ҳақидаги мифологик қарашлар билан боғлайди. Олим бу ўринда “Мифология инсон тафаккурининг куйи босқичларида юзага келган экан, унинг эстетик тафаккур учун ҳам маълум даражада замин яратганлиги шубҳасиздир”, деб таъкидлайди. Шунингдек, “Афсона, ривоят, эртак ва дoston каби фольклорнинг эпик жанрлари табиатидаги мифологик мотив, образ ёки тушунчаларни таҳлил этганда, архаик ҳамда классик мифларнинг семантик табиати, уларнинг функционал хоссалари ва субъектларига мурожаат қилиш кўпроқ қўтилган натижаларга олиб келади”, деган хулосага келади.¹ Албатта, Б.Саримсоқовнинг миф ва эстетик тафаккур ҳақидаги қарашлари эътиборга молик. Аммо фольклорнинг эпик жанрлари таркибидаги архаик миф билан классик миф бир эмас. Бизнинг тадқиқот объектимиш бўлган космогоник мифология, асосан, архаик мифологияда мавжуд. Классик мифология юнон ва рим мифологиясида бор.

Ғ.Ақрамов ҳам қадимги мифларнинг эпос ва эртакка бўлган муносабати ҳақида фикр юритар экан, “*Тўрўғли*” туркумидаги асосий элементлар – парилар, девлар ҳамда ёвуз, салбий мифологик образлар билан боғлиқ мифопозитив чизиқлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтади.² Бундан ташқари, олимнинг изланишлари *миф ва ёзма адабиёт* муносабати негизида олиб борилган. Уларда Алишер Навоий асарларидаги мифологик образлар, “Қутадғу билиг”, “Ҳибатул-хақойиқ” асарларидаги айрим мифологик унсурларга оид фикрлар диққатга сазовордир. Айниқса, қадимги туркий битиклардаги Тангри, Умай ҳақидаги қарашларга фикр билдириб, туркий битикларда миф ва ёзма адабиётнинг бошланғич муносабатлари шакли етакчидир, деган хулосага келади.³ Шуниси борки, қадимги туркий битикларда мифологик сюжет, хусусан, уч қаватли олам моделига оид миф Қултигин битиктошининг биринчи сатрида (*Üzä kök: tʰŋri: ʷsra ...*) ва “Ирк битиг”ида сақланган. Қолган ўринларда мифологик образлар рамзий кўринишда сақланган.

Ж.Эшонкуловнинг⁴ изланишларидаги туркий халқларнинг анъанавий дунёқарашида ер ости ва ғорлар билан боғлиқ илоҳий, муқаддас жойлар ҳамда туркий шомонлик⁵, мифологик тафаккур ва поэтик тафаккур

¹ Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. “Фан”. – Т.: 1997. – Б. 140, 146, 148.

² Ақрамов Ғ. Мифологиянинг айрим эпик жанрлар билан ўзаро муносабати // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. “Фан”. – Т.: 1997. – Б. 154.

³ Ақрамов Ғ. Миф ва ёзма адабиёт муносабатига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996 й., № 2. – Б. 66.

⁴ Эшонкулов Ж. Ўзбек эпик асарларида “Ўзга” дунё тушунчаси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996 й., № 2. – Б. 33-36.

⁵ Эшонкулов Ж. Ўзбек фольклорига дев образининг мифологик асослари. Филол. фан. ном. дис. – Т.: 1996. – Б. 51-52.

муносабатлари¹ ҳақидаги фикрлари диққатга сазовор. Олимнинг қадимги туркий мифларни ўзбек эртақларидан бири “Қуёш ернинг паҳлавони”, “Маликаи айёр” достонидаги сюжетлар билан мазмун ва ғоя билан боғланганлиги бу соҳадаги тадқиқотларга йўл очиб беради.

Туркий халқлардан ташқари, бошқа халқларнинг ҳам космогоник мифларига оид тадқиқотлар олиб борилган. Умуман олганда, қадимги туркий космогоник мифология ҳақида изчил илмий қарашлар мавжуд эмаслиги қадимги Миср, Юнон ва Шумер ёдгорликлари бўйича олиб борилган мифологияга оид тадқиқотларда ҳам кўринади. Бу тадқиқотларда космогоник мифология масаласига жуда чекланган даражада муносабат билдирилган. Муносабат билдирилган тақдирда ҳам у ёки бу фикрни далиллаш муносабати билан айрим мисоллар келтирилган, холос. Аслида космогоник мифология ўша ёдгорликлар бўйича шуғулланган олимларнинг изланишлар доирасига кирмаган. Кавказ халқлари эпосларида космогоник мифология ҳақида айрим мақолалар мавжуд. Бу тадқиқотларда асосан эпик жанрларда сақланиб қолган космогоник мифлар қолдиқларини таҳлил қилиш билан чекланилган².

Назорат саволлари

1. Н.Раҳмоновнинг Ўрхун-Энасой ёдномаларидаги мифология ҳақидаги асарлари билан танишиб чиқиш.

2. Н.Маллаевнинг Алишер Навоий асарларида космогоник мифлар ҳақидаги фикрларини таҳлил қилинг.

3. М.Жўраевнинг Ўзбек “самовий афсоналар”и ҳақидаги тадқиқотларини ўрганиб чиқиш.

4. Б.Саримсоқовнинг миф ва эртақ ўртасидаги муносабат ҳақидаги таҳлилларини таҳлил этиш.

5. Ғ.Акрамовнинг “Тўруғли” туркумидаги асосий элементлар – парилар, девлар ҳамда ёвуз, салбий мифологик образлар билан боғлиқ таҳлилларини кўриб чиқиш.


6. Ж.Эшонқуловнинг изланишларидаги туркий халқларнинг анъанавий дунёқарашида ер ости ва ғорлар билан боғлиқ илоҳий, муқаддас жойлар ҳамда туркий шомонлик, мифологик тафаккур ва поэтик тафаккур муносабатлари ҳақидаги фикрларини таҳлил қилиш.

Амалий топшириқлар

Ўзбек олимларининг мифологияга оид асарларидан исталган биттасини ўқиш ҳамда қиёсий таҳлилни амалга ошириш.

¹ Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорига туш ва унинг баъдий таъкиоти. Филол. фан. док. дис. автореф. – Т.: 2010. – Б. 9.

² Масалан: Луговой К.В. Космогонические и антропогонические мотивы в Нартовском эпосе Карачаевцев и Балкарцев // Этнографическое обозрение №6. – М.: 2003. – С. 57-69.



Ўрхун-Энасой, бинар оппозицияга, “Хаустуанифт”, “Авесто”, Тонг тангриси (Куёш), Ой тангриси, Алп Эр Тўнга, Алишер Навоий, “самовий афсоналар”, “Сабъаи сайёр”, космогоник мифология, диффузия, “Гўрўзели”, “Қутадғу билиг”, “Ҳибатул-ҳақойиқ”, Қултигин битиктоши, “Маликан айёр”

1.2. Дунё халқларида мифопозитик параллелликлар

Оламни тушуниш, англаш, унинг ўзига хос мезонлари турли халқларда турлича кўринишда, ҳар хил тимсолларда ўз ифодасини топган. Ижтимоий онгнинг барча шаклларида мифологик заминда тамал тоши қўйилгани сингари, бадий ижоднинг ҳам аввали бевосита мифлар билан алоқадордир.¹ Инсонларнинг илк тасаввурлари осмон ва табиат ҳодисалари билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Само билан алоқадор ҳодисалар эса, космогоник мифлар яратилишига сабаб бўлган. Космогоник мифларнинг, қолаверса, космогоник тасаввурларнинг мифопозитикада алоҳида ўрин тутишига эътибор қаратиш талаб этилади. Чунки оламнинг яратилиши параметрлари ва инсоннинг пайдо бўлиши ҳақидаги турли қарашлар, инсон ва табиат боғлиқлиги ҳақидаги тушунчалар бундай мифлар яратилишида асосий объект бўлиб хизмат қилади.² Космогоник мифларда оламнинг тузилиши, ундаги мавжуд борлиқ унсурлари (инсоният, ҳайвонот, наботот, жамомот) ўртасидаги алоқалар кўпроқ диққатни жалб қилади. Дунёнинг тузилиш жараёнида яратувчи, инсонлар, ҳайвонлар, табиатдаги сирли кучларнинг маълум роль ўйнаши космогоник мифопозитикада муҳимдир. Космогоник вертикал сфера мифопозитика учун жуда кенг тушунчадир.³ Айниқса, бу ҳолат мифларда табиат (макрокосм) ва инсон (микрокосм) ўртасидаги алоқаларда яққол кўринади. Чунки инсон дунё қурилишида муҳим ўрин тутадиган элемент экани мифларда аниқ англашилиб туради.⁴ Ёки аксинча, дунё инсон (масалан, антропоник мифларда) яратилиши учун асосий омилдир. Бунда инсон космогоник тузилманинг муҳим бўғини сифатида англашилади. Жамиятнинг ижтимоий тузилиши ва тезлик билан ривожланиши натижасида мифопозитик тафаккур ҳам янгиланиб боради. Мифлардаги оламнинг қурилиши ва тузилиши ҳақидаги тасаввур ўша жамият-социумнинг қонуниятларига боғлиқ. Шунинг учун ҳам дунё

¹ Чоршанбиев М. Ўзбек эпосидаги тотемистик қарашларнинг тарихий асослари ва бадий талқинига доир. (Рисола) ТошДУ. – Т.: 1998. – Б. 8.

² Топоров В.Н. Космогонические мифы // Мифы народов мира: Энциклопедия. – М.: 1980. Т.2. – С. 6-9.

³ Кучукова З.А. Карачаево-Балкарский Нартепский эпос: императив вертикали. <http://mith.ru/epic/nart04.htm>

⁴ Дунёни яратилиши билан боғлиқ туркий мифларда инсонни бевосита иштирок этиши сакланиб қолган. Қаранг: Безертинов Р.Н. Тенгрианство-религия торков и монголов. «Слово». – Казань: 2004. – С. 44. Катанов Н.Ф. Качинская легенда о сотворении мира. Изд-ство ОАИЭ.1894. Т.12. Вып. 2. – С. 185-188.

халқлари мифларида олам қурилиши ҳақидаги тасаввурлар хилма-хилдир.¹ Инсоннинг тартибсиз хаосдан тартибли космосга ўтиши сабаблари мифларнинг асосий мазмунини ташкил қилади. Бу, айниқса, ҳайвонлар ва табиатга оид мифологик сюжетларда ҳам аниқ кўринади. Вактлар ўтиб, жамият шаклланиб борган сари ва маданиятнинг илк кўринишлари пайдо бўлиши билан мифопоэтик ва космогоник тушунчалар янада аниқлашиб, мукаммаллик касб эта борди. Бу жараён натижасида янги образлар ва дунёнинг қурилиши модели пайдо бўлди. Бундай мифлар бошқа турдаги мифлар ва кўплаб ўхшаш фольклор жанрларининг юзага келишига сабаб бўлди. Кейинроқ пайдо бўлган календарь миф билан (*туркий мучал ҳақидаги афсоналар*) боғлиқ маросим ва космогоник миф классификаторларига, яъни *ота – осмон (кўк), она – ер, қуёш, ой* каби образларга ўтди. Шу тарика дунёнинг пайдо бўлиши ҳақида янгича тасаввурлар пайдо бўла бошлади. Масалан, *қадимги Мисрда* дунёнинг яратилиши ҳақидаги мифлар шундан далолат беради:² “Осмон ҳам, ер ҳам пайдо бўлмаган эди. Ҳаттоки лойка жой ҳам, илонлар ҳам йўқ эди. Мен уларни ва ерни ўша жойда НУНдан³ йўқ жойдан пайдо қилдим. Ўзим учун мени ушлаб турадиган ер топа олмадим. Мен ўз қалбимда, ўзимча ўйладим. Ва мен борлиқдаги ҳамма нарсаларни барпо қилдим. ШУни⁴ тупириб бор қилдим. Қайт қилганим ТЕФНУТ⁵ бўлди. Мендек мен билан беллашадиган яратувчи йўқ эди.

Мен ўз юрагим билан ўйладим ва кўплаб жонзотларни туғилиш ва туғиш учун яратдим.

Мен муштим билан (оламни) бирлаштирдим, бу пайтда қўлимдан бир оила оғзимга тушиб қолди.

Ва мен ШУни тупуриб, Тефнутни қайт қилдим. Отам НУН деди: “Улар ўсиб-улғайсин!” ва ёрдамчим ОКО⁶ мен кетганимдан кейин унга умрбод кўрикчи бўлсин. Мен ягона яратувчи бўлганимдан кейин учта худо мен билан эди. Инсонларни кўз ёшимдан яратдим. Мендан кейин улар ер юзида хукмронлик қилишади.”

*Марказий Америкада:*⁷ “Ҳамма жой йўқлик ва совуқликдан иборат тинч жой эди. Ҳаракатланаётган ҳеч нарса йўқ, борлиқ ва осмон ҳам бўм-бўш эди. Илон ҳам, ҳайвонлар ҳам, қушлар, балиқлар, қисқичбақалар, дарахтлар,

¹ Шайдуллина Л.Д. Религиозно – культурные коды тюрков северной Евразии и их преемственность. <http://turkolog.narod.ru/info/I374.htm>

² Матье М.Э. Древнеегипетские мифы. – М., -Л.: 1956. – С. 14-19. Таржима ўзимизники.

³ НУН – борлиқдаги илк хаос (йўқлик), бундан қуёш худоси РА пайдо бўлган.

⁴ ШУ – ҳаво худоси, РАнинг ўғли.

⁵ ТЕФНУТ – Шунинг хотини, РАнинг кизи

⁶ ОКО – РА нинг кизи кўрикчиси.

⁷ Воеводина Л.Н. Мифология и культура. Институт общегуманитарных исследований. – М.: 2002. – С. 121.

тошлар, горлар, майсалар, ўрмонлар ҳам йўқ эди. Шунда (оламни) пайдо қилдим”.

Қадимги туркийларда: “Азалда фақат сув бор эди. Ер, осмон, ой ва қуёш йўқ эди. Яна Тангри билан бир “одам” бор эди... Шундан сўнг Тангри ерни яратди.¹ Хакас халқининг оламнинг ва инсониятнинг пайдо бўлиши ҳақидаги афсонаси иккита ўрдакнинг ўзаро суҳбатидан бошланади. Бунда: “Ўрдаклардан бири бошқасини дарё тагидан тупроқ олишга жўнатади. Биринчи ўрдакдан тупроқни олган ўрдак уни тумшугида тўққиз кун чайкади, натижада ер пайдо бўлди. Иккинчи ўрдак яшириб қолган тупроқдан эса баланд тоғлар пайдо бўлди. Бундай қилганлиги учун биринчи ўрдак унга ердан жой бермай жазолади. Гуноҳкор бўлган ўрдак яшаш учун ер сўради ва ер ёригидан ер ости салтанатига кириб кетди. Шундан улар ўзларига тегишли ерларни бўлишиб олдилар. Ерни яратган биринчи ўрдак ер юзида эркакни яратди, эркак қовурғасидан эса аёлни яратди. Уларга нон ва пода берди. Одамнинг яратилиши билан биринчи ўрдак Худо деб, иккинчиси Эрликхон деб атала бошланди”.² Худди шундай сюжет ва маънодошлик шумер, аккад, грек, хитой, веда мифларида ҳам кузатилади.

Турли халқларга мансуб ушбу мифлардаги сюжет, маъно, композициядаги муштарак ҳолатлар қуйидагиларда кўринади:

1. Дунёнинг пайдо бўлиши хаосдан³ (йўқликдан) космосга (борликқа) айланган. Бу жараён эса турли халқларда турлича ифодаланган.

2. Дунёнинг ягона яратувчиси – Тангри.

3. Шунингдек, космогоник мифлар учун характерли ҳолат – оламлар бўлинган: *ер-осмон, осмон-ер-ер ости* (қадимги туркийларда, шумерларда, қадимги мисрликларда, ҳиндларда Вишну уч олами).

4. Ушбу оламларни бир-бирига боғлаб турувчи тангрилар, руҳлар, айрим ҳолларда бахши ва шомонларнинг борлиги ҳам юқоридаги мифларнинг муҳим белгиларидир.

5. Осмон ва ер олами “дунё марказида жойлашган муқаддас тоғ”⁴ бир-бири билан боғланган.

Оламни турли хил *космик вертикал-горизонтал зоналарга*¹ бўлиб тасаввур қилиш қадимги космогоник мифларга хос хусусиятдир. Қадимги

¹ Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. I жилд. Тузувчи, изоҳ ва шарҳлар муаллифи филол. ф.д., проф. Раҳмонов Н. “Фан”. – Т.: 2005. – Б. 9.

² Inan A. Tarihte ve bugün şamanizm. TTKB. – Ankara. 1954. – S. 19.

³ Гурвич И.С. Космогонические представления и пережитки тотемического культа у населения Оленекского района // Советская этнография. 1948. №3. – С. 149.

⁴ Урал-олтой космогоник мифларида ер марказидаги «дунё тоғи» осмондаги кутб юлдузига маҳкамланган бўлиб, «Сумер» деб аталган. Одатда бу ерларда уч олам осмон-ер-ер ости олами бир бири билан боғланган. Эрон, ҳинд, америка ҳиндлари, хитой, славян космогоник мифларида ҳам худди шундай параллел сюжетлар мавжудлиги тадқиқотлардан маълум. Батафсил маълумот олиш учун қarang: Элиаде М. Космос и история. «Прогресс». – М.: 1987. – С. 38-42.

мисрликлар дунёни *уч космик зонага* бўлиб тасаввур қилишган² (1-илова). Қадимги туркийлар ҳам *дунёни уч қаватдан* иборат деб билганлар³ (2-илова). Ушбу бўлинишлар семантик ва функционал жиҳатдан ўхшашлиги билан аҳамиятлидир. Ибтидоий тасаввурларга кўра, Тангри образининг яратувчилиқ вазифалари борлиги мифлар ўртасидаги параллеликни вужудга келтирган.

Космогоник мифлар учун энг типик хусусият “*Дунё қай тарзда пайдо бўлди?*”, деган саволга жавоб излашдан иборат. Бу саволга турли халқлар мифларида турлича жавоб мавжуд. Масалан, австралияликлар ўзларининг тотем авлодлари дунёни яратганликларини эътироф этишади. Улардаги дунёнинг яратилиши ҳақидаги мифга кўра, тотем авлодларининг бири тоққа, бири дарахтга, бири ҳайвонга айланган ва дунёни биргаликда яратганлар. Ҳинд мифларида (“Ригведа”) эса ўрдак ва тошбақанинг тухумларидан дунё яратилганлиги айтилади. Туркий мифларда эса Кўк Тангри танҳо яратувчилиги билан ажралиб туради. Бундай ҳолат Библия космогониясида ҳам кузатилади. Унда ҳам яратувчи ягона Худо Яхведир. Монийлик, маздакийлик космогоник мифологиясида яратувчи иккита: бири – доно, ақлли, яхши нарсалар яратувчиси; иккинчиси – ёвузлик яратувчиси.

Юқоридагилардан маълум бўладики, космогоник мифология дунёнинг пайдо бўлиши, самовий жисмлар култининг инсон тафаккурида илк бор образ ва конкрет тушунча сифатида шаклланишига замин бўлди; диний-фалсафий тафаккурга замин ясади, мифологик образлар эпик жараён учун муҳим далил бўлиб хизмат қилади.

Назорат саволлари

1. Космогоник мифлар ҳақида маълумот беринг.
2. Календарь мифларнинг пайдо бўлиш омиллари қандай?
3. Қадимги Мисрда дунёнинг яратилиши ҳақидаги мифлар ҳақида маълумот беринг.
4. Марказий Америкада дунёнинг яратилиши ҳақидаги мифлар ҳақида маълумот беринг.
5. Қадимги туркийларда дунёнинг яратилиши ҳақидаги мифлар ҳақида маълумот беринг.

¹ Кудаяева З.Ж. К символике “верха” в Адыгской мифопоэтической традиции. Эпический текст: проблемы и перспективы изучения: Материалы I Международной научной конференции. – Пятигорск: ПГЛУ, 2006. – С. 244

² Kramer S.N. Mythologies of the ancient world. New York. 1961. Пер. с англ. Дьяконова И.М. «Наука». – М.: 1977. – С. 74.

³ Алексеев Н.А. Шаманизм тюркоязычных народов Сибири. «Наука». – Нов-ск.: 1984. – С. 24.

6. Дунёнинг яратилиши ҳақидаги мифлардаги сюжет, маъно, композициядаги муштарак ҳолатлар нималардан иборат?

7. Космик *вертикал-горизонтал* зоналар ҳақидаги маълумотларни кийёсланг.

Амалий топшириқлар

Қадимги Миср, Марказий Америка, қадимги туркийларда дунёнинг яратилиши ҳақидаги мифлар ҳақида маълумот беринг ҳамда улрдаги паралеллик ҳақида маълумот тайёрланг.

Калит сўзлар

Космогоник мифлар, мифопоэтика, космогоник вертикал сфера, антропоник мифлар, туркий мучал ҳақидаги афсоналар, қадимги Миср, Марказий Америка, қадимги турклар, Эрликхон, хаосдан, космос, “муқаддас тоғ”, космик вертикал-горизонтал зона

II боб. ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ЁДГОРЛИКЛАРДА ОЛАМ МОДЕЛИ ИФОДАСИ

Миф ва афсоналар бадий тафаккурнинг илк шакллари, бадий адабиётнинг ибтидоси ҳисобланади. Бизнингча, ҳеч қайси миллат адабиёти бу табиий жараёндан четда қолмаган. Эпик жанрлар пайдо бўлиши учун кенг майдон вазифасини ўтаган мифларнинг қиммати шундаки, улар бизга ҳақиқатни содда ва тушунарли қилиб етказди. Шу сабабдан миф ва афсоналар адабий жараённинг илк босқичи бўлиши билан бирга, туркий қавмларнинг фалсафий қарашлари, ботиний олами, табиат ҳодисаларига муносабати ҳамдир. Қадимги туркий қавмлар яратган миф ва афсоналарнинг сюжет ҳамда мотивларига диққат қилсак, уларда турли диний оқимлар изларини учратамиз. Жумладан, буддавийлик ва монийлик оқими таъсирида пайдо бўлган миф ва афсоналарнинг борлигини айрим манбалар кўрсатмоқда. Бироқ шунга қарамай, асосий мифологик персонаж, сюжет ва мотивларда шомонлик оқими етакчи ўринни эгаллаганини эътироф этиш лозим.

Қадимги туркий мифларнинг аксарияти олам ва инсониятнинг пайдо бўлишига оиддир. Умуман олганда, космогоник мифларнинг асосий мавзуси олам ва одам қандай яратилгани билан боғлиқдир. Қадимги туркий қавмлар яратган миф ва афсоналар оламни ибтидий равишда билишга интилишнинг маҳсули ўлароқ юзага келган.¹

Оламни вертикал ва горизонтал қаватлар йўналишида тасаввур қилиш жаҳон космогоник мифлари учун умумий сюжет ҳисобланади. Бундай мифлар, асосан, хитой, юнон муаррихлари асарларида, “Хуастуанифт”, монийлик шеърлари, Ўрхун-Энасой тошбитиклари, “Ирқ битик”лар, “Олтун ёруғ” ва туркий халқлар фольклори намуналарида сақланган. Шу билан бирга, улардаги синкретикликни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Шу маънода қадимги туркий мифларда ҳам олам горизонтал ҳолатда тасаввур этилиб, уч қаватдан иборат деб тушунилган.²

Биринчи қават — Кўк Тангри (Осмон) юқори олами. Қадимги туркийлар бу оламни “Уза”, яъни, “Юқори” [ʃʰn — *uza*] деб аташган. Бу оламда *Кўк Тангри*, унинг ёрдамчиси *Умай* қабила билан бирга, *Мангдашира*, *Мойтўра*, *Янқара*, *Шайима*, *об-ҳаво бошқарувчиси Уркер (Хулкар)*, *чақмоқ бошқарувчиси Насигай* каби ёрдамчи рухлар ҳам яшаганлар.

¹ Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. I жилд. Тузувчи, изоҳ ва шарҳлар муаллифи филол. ф.д., проф. Рахмонов Н. “Фан”. — Т.: 2005. — Б. 8.

² Кулаева З.Ж. К символической “верха” в Адыгской мифопоэтической традиции. Эпический текст: проблемы и перспективы изучения: Материалы I Международной научной конференции. Ч. I. — Пятигорск: ПГЛУ, 2006. — С. 244.

Иккинчи қават – Муқаддас Ер-Сув ўрта олами. Қадимги туркийлар бу оламни “Экин ара”, яъни “иккисининг ўртаси – осмон ва ернинг ораси” [ʃɬɪŋ ʔ – ʔkin ʔra] деб аташган. Ўрта оламнинг бош худоси *Муқаддас Ер-Сув* билан биргаликда, унинг ўн еттига яхши ёрдамчиси (*руҳлари*), қудратли *Иокан*, *сув*¹, *ўрмон*², *тоғ руҳлари*³ ва *инсонлар* шу оламда яшаганлар.

Учинчи қават – Эрликхон ҳукмрон бўлган ер ости олами. Қадимги туркийлар бу оламни “Асра”, яъни “Паст, қуйн” [ʃɬʏ – ʔsra] деб аташган. Бу оламда *Эрликхон* (*айрим манбаларда Эрклиг*), унинг *тўққизта ўғли – Қараш, Маттир, Шингай, Қўмирхон, Бадиш бий, Ябаш, Темирхон, Учархон, Керейхон* ва *иккита қизи – Киштей она, Эрка Султон*, тез ажал чақирувчи *Бурт* (*айрим манбаларда Бюрт тарзида келтирилади*) каби ёвуз руҳлар истиқомат қилганлар.

Уччала оламдаги барча ҳукмдор ва руҳлар Кўк Тангрига топинганлар. Бу оламларнинг ҳар бирини мифлар асосида кўриб чиқиш ва қарашлардаги хилма-хилликни таҳлил қилиш натижасида қадимги туркий мифларнинг мазмуни ва сюжетини тиклаш мумкин бўлади.

2.1. Биринчи қават – Кўк Тангри (Осмон) юқори олами

Қадимги туркий мифларга кўра, юқори оламда бутун дунёни (уч оламни) бошқариб турувчи ва уни яратган, инсонлар умрини белгиловчи, хоконларга давлат ва куч берувчи, адолатли, доно, *Кўк Тангри* яшаган. Кўк⁴ Тангри “т^нгри-т^г: т^нгри” [ʃɬɪŋ ʔɪŋ ʔɪŋ] яъни “*фалакдай худо*”⁵ деган сифатга эга бўлган. “Танри” сўзи қадимги туркий ёзма ёдгорликларда “Худо” ва Осмон (Кўк) маъносида баробар қўлланаверган. Қадимги туркий тилнинг грамматик маъно хусусиятларига асосланиб, мазкур сўз бирикмасини “фалакдай худо” деб таржима қилса бўлади.

В.В.Бартольд Ўрхун ёдномаларидаги осмон ва ер култи ҳақида тўхталиб, “Танри” сўзи моддий бўлган осмон (Кўк) ва худо маъносида келган, деган фикрни билдиради.⁶ Туркий халқлар Кўк Тангрини ҳар хил – татарлар – *тэнгри*, олтойликлар – *тенгри*, *тенгери*, хакаслар – *тигир*, ёкутлар – *тангара*, қорачой-болқорлар – *тейри*, кумиклар – *тейри*, мўғуллар – *тейри*, турклар – *танри*, ўзбеклар – *тангри*⁷ деб айтадилар. Бундан

¹ Kalafat Y. Dogu Anadolu'da Eski Türk inanclarinin izleri. AKM. – Ankara: 1995. – S. 52.

² Алексеев Н.А. Ранние формы религии тюркоязычных народов Сибири. «Наука». – Нов-ск: 1980. – С. 63.

³ Рахмонов Н.А. Рухиятдаги нур муроди. А. Қодирий номидаги халқ меъроси нашриёти. – Т.: 2002. – Б. 64-65.

⁴ Кононов А.Н. Семантика цветообозначения в тюркских языках // Тюркологический сборник. 1975. – М.: 1978. – С. 159-179.

⁵ Каранг: Рахмонов Н.А. Поэтика памятника Кюль Тигину. Дисс. на соиск. канд. наук. – Т.: 1983. – С. 115.

⁶ Бартольд В.В. Сочинение. Т. V. «Наука». – М.: 1968. – С. 26-27.

⁷ Безертинов Р.Н. Тенгрианство-религия тюрков и монголов. «Слово». – Казань: 2004. – С. 76.

ташқари, Қорачой болқор мифларида Тангри Куёш, Тангри Ер, Тангри Денгиз, Тангри Ой каби номлар ҳам мавжуд.¹ Ҳар бир объектка нисбатан *Тангри* сўзининг қўллангани унинг яратувчилиқ вазифасини янада аниқ юзага чиқаради. Кўк Тангри номини қўшиб қасам ичиш ҳоқон номи билан қасам ичишга тенг ҳисобланган. Чунки ҳоқонларга Тангрининг ердаги элчилари сифатида қаралган. Мифологик тасаввурдаги Кўк Тангри самовий отда юрган².

Кўк Тангрига нисбат берилган бошқа исмлар ҳам мавжуд бўлган. Ўша исмларнинг бизгача етиб келган айрим намуналари қуйидагилар: *Адакутай, Адар, Огочхон, Оқхон, Оқтўюн, Анк, Анишар, Ой ота, Ойхон, Қурбистонхон*.³ Бурятларда эса Кўк Тангри – *Ульген* номини олган.⁴ Умуман олганда, Кўк Тангри култи туркийларга қадимги даврлардан мерос бўлиб қолган. Хитой тарихчиларининг хабар беришича, Кўк Тангрига топиниш турк-мўғул тилии Ўрта Осиё халқлари: ухуань, сяньби, жуаньжуань (жужанг), хойху (уйғурлар) ва турк-туғюларда эрамизнинг I асрларида ҳам мавжуд эди.⁵ Кўпчилиқ олимлар қадимги туркийлар ҳаётида Кўк Тангри катта роль ўйнагани ва ягона ишонч манбаи бўлгани учун, уларни “*Тангрчилик*” ёки “*Тангри дини*” да бўлган деб айтадилар.⁶ Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит – турк” асарида ҳам қадимги туркий халқлар эътиқоди ва айнан “Тангри” сўзининг изоҳи қуйидагича берилган: “تَنگَرِي – улуғ тангри. Мақолда шундай

келган: تَنْ تَبْنُ تَتَكْرِي سَفَنَج سِز тојін тапуғсақ Тәңрі сәфінчсиз – кофирларнинг дин бошлиқлари улуғ тангрига ибодат қилади, лекин улуғ Тангри унинг ишидан рози бўлмайди. Бу мақол бировларга ёқади, деб гумон қилган, аммо иши ёкмаган одамлар ҳақида айтилади. Шеърда шундай келган:

تَنْ كُنْ تَبْنُ تَتَكْرِيكَا بَيْنَمَغْلُ

قُرْقُبْ اَنَكَرْ اَيْمَنُو اَيْنَمَغْلُ

Тўн кўн тапун Тәңригә бојнамағил

Қорқуп анар эјмәнү ојнамағил.

¹ Луговой К.В. Космогонические, антропогонические и эсхатологические мотивы в Нартовском эпосе Карачаевцев и Балкарцев // Этнографическое обозрение №6. – М.: 2003. – С. 57.

² Тилавов А. Ўзбек халқ дostonларидаги от образининг тарихий асослари ва бадий талқини. Филол. фан. ном. дисс. – Т.: 2000. – Б. 19.

³ Gokovali S. Mithologiya ve Anadolu soylenceleri. – Izmir. 1990. – S. 15-17.

⁴ Жуковский Н.Л. Бурятская мифология и ее монгольские параллели. – В кн.: Символика культов и ритуалов народов зарубежной Азии. – М.: 1980. – С. 95-96. Яна қаранг: Алексеев Н.А. Шаманизм тюркоязычных народов Сибири. Наука. – Нов-ск: 1984. – С. 30-31. Бу манбада айтилишича, *Ульген* юқори оламнинг бош худоси ҳисобланган. Бу оламда у билан бирга унинг ўғиллари ва қизлари ҳам бирга яшаган. Юқори оламда Ульгеннинг ёрдамчилари *Дбайык, Суйла, Карлык* ва *Уткучилар* ҳам бўлган.

⁵ Стеблева И.Я. Жизнь литература доисламских тюрков. «Восточная литература» РАН. – М.: 2007. – С. 21.

⁶ Turgut A. Eski Türklerin dini tek Tanrı inancı mıydı? // Tarih ve toplum. Sayı: 27. – İstanbul: 1986. – S. 147. Özkan İ. İslamiyetten Önce Orta Asya Türk Kültürü // Milli Kültür Dergisi. – Ankara. Şubat, 1977. – S. 2.

Кеча-кундуз улуғ Тангрига ибодат қил, йўлдан озиб адашма. Худодан кўрк, ундан уял, ундан кўркиб, ўйнашдан саклан. Худо ҳалок қилгур кофирлар осмонни **تَشْغَرِي** тәңрі дейдилар. Шунингдек, улар кўзларига катта кўринган нарсани, чунончи, катта тоғ, хайбатли ёғочни ҳам **تَشْغَرِي** тәңрі деб атайдилар.* Шунинг учун ҳам улар шунга ўхшаш нарсаларга сажда қиладилар. Улар билагон одамни **تَنْغَرِكَان** тәңрігән деб аташлари ҳам шундандир. Буларнинг хатоларидан худодан паноҳ сўраймиз”¹ дейилган. Ушбу сўзни С.М.Муталлибов таҳлил қилар экан, қуйидагича фикр юритади: “Маҳмуд Кошғарийнинг *тангри* сўзи ҳақидаги изоҳини икки хил тушуниш мумкин:

1. Бу изоҳ XI асрда яшаган халқлар тилига доир изоҳ бўлмай, анча қадимги давр – ер, кўк, қуёш, ўтларга топинувчи шомонлик давридаги халқлар эътиқодига доир маълумот деб тушуниш мумкин. Чунки Кошғарий кўк сўзини изоҳлаганда фақат осмон дебгина изоҳлаган, тангри деб эътиқод қиладилар деб уқтирмаган.

2. XI асрда ҳам исломни қабул қилмаганлар шундай эътиқод қилар эдилар деган мазмунда тушиниш мумкин. Иккинчи вариант яна ҳам яқинроқдир, чунки Орхун ёдгорликларида ҳам биз шу эътиқод асарини кўрамиз. Дастлаб шунга айтиш керакки, Орхонда олам яратилиши, диний эътиқодларга доир маълумотлар кам. Унда баъзан тангрига қуллук қилиш, ўлим, таъзиялар ҳақидагина сўз боради, холос. Лекин унда ер, кўк, тангри деб изоҳланган. Чунончи: кўк ўза, асра ер... қабилар”². Шунингдек, олим Тангри сўзи ҳақидаги фикрларини қуйидагича давом эттиради: “Маҳмуд Кошғарийнинг бу хил изоҳлари бир тарафдан диний эътиқод тарихи ҳақида тадқиқот олиб боровчилар учун ҳужжат бўлса, иккинчидан, бу хил маълумотлар Кошғарий ўз асарида, узоқ тарихий воқеаларини ҳам ҳисобга олганини кўрсатувчи далилдир”³. Ўрхун-Энасой тошбитиклари таркибига кирувчи “Унгин” (Онгин) битиктошида “тангрикан” сўзи кўп қўлланилган. Масалан:

Асл матн: ⁴ : 𐰽𐰺𐰍𐰏𐰤 : 𐰽𐰺𐰍 : 𐰽𐰺𐰍𐰏𐰤 : 𐰽𐰺𐰍 : 𐰽𐰺𐰍 : 𐰽𐰺𐰍𐰏𐰤 (6)
Транскрипция: <i>Т'нгрик'н</i> : ка: иш"г: б'рт"нг: т'й"н: й'рл"қ'м"и:
Маъноси: Тангриканга хизмат қилдинг деб ёрлақан.

* Манбадаги изоҳлар қуйида берилган.

¹ Кошғарий Маҳмуд. “Девону луготит турк”. Таржимон ва напрга тайёрловчи филол. ф. н. С.М. Муталлибов. Уч томлик. III Том. ЎзР ФА. – Т.: 1963. – Б. 387-388.

² Ўша асар: – Б. 387-388.

³ Ўша асар: – Б. 387-388.

⁴ Милов С.Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. Изд. АН. – М., – Л.: 1959. – С. 7-11.

“*ёрлақасин*” деган ибора учрайди ва Тангрига қурбонликлар қилишган. Одатда, бу қурбонликлар муқаддас ҳисобланган тоғлар чўққисида амалга оширилган. Олтой халқида қурбонлик қайин (Бой қайин) дарахти атрофида ўтказилган. Агар қурбонлик қилинадиган жойда қайин дарахти йўқ бўлса, қайин томири билан кўчириб келинган.¹ Ўша ердаги дарахтлар, тошлар муқаддас ҳисобланиб, уларга ҳеч ким тегишга журъат қилмаган. Яна уларнинг эътиқодича, дарахтларнинг ҳам ўз шомон-дарахтлари бўлган. Улар бу дарахтларни “*қам-ағаш*” деб аташган². Бундан ташқари, хоқонлар қарор чиқаришдан аввал Кўк Тангрига мурожаат қилишиб, унинг розилигини олишга ҳаракат қилганлар.³ “*Киши ўғиллари*”⁴ эса ўзларини Тангрининг қули сифати кўришган ва катта қояларга, тошларга матн битганларидан сўнг, уни ёзган инсон одатда матнни қуйидагича тугатган. Масалан, “Гурвалжин-Ула” қоя битигида:⁵

Асл матн:	Транскрипцияси:	Маъноси:
«X h f x : f j > n f y t h	<i>Tⁿgriquli: bitd^mm</i>	Тангри кули битдим

Қадимги туркий қавмлар ишончига кўра, тоғ чўққилари Кўк Тангрига энг яқин ҳудуд ва Тангри билан инсон ўртасида руҳий маънавий алоқа жойи ҳисобланиб, *ернинг киндиги*⁶ деб аталган. Адолатли, қўнгли тоза, тўғри сўз, ватанига содиқ бўлганларга Кўк Тангри йўлдош бўлишига, вафот этганларидан сўнг уларни осмон юқори оламига олиб кетишига ишонганлар. Кўк Тангрининг тимсоли *куёш*, унинг устида учиб юрувчи *бургут* қудратининг рамзий тимсоли бўлган. Умуман олганда, бундай ўхшаш сюжетлар ва ишончлар бошқа халқларда ҳам мавжуд.⁷ Кўк Тангрининг рамзий ранг образи *кўкдир*. Шу ўринда Тангри, яъни осмон (куёш-кун ҳам

шунга киради) билан боғлиқ мифологик тасаввурлар Марказий Осиё ва Жанубий Сибир халқларида эр. авв. биринчи минг йилликларда пайдо бўлганлигини айтиб ўтиш керак.¹ Бундан ташқари, Геродот ўзининг “Тарих” асарида қадимги туркий халқлар аجدодлари бўлган скифлар ва массагетлар куёшга топинишлари ҳақида айтиб ўтган.² Моний ақидаларига асосланган қадимги туркий адабиёт намуналаридан бири “Хаустуанифт”да ҳам Кун Тангри образи мавжуд. Хусусан, мазкур китобнинг иккинчи, олтинчи, ўнинчи, ўн учинчи бўлимларида Кун Тангрига алоҳида тўхталинади. Монийлик оқимидаги шеърларда ҳам Кун Тангри образи алоҳида ўрин тутади.³

Космогоник мифлар учун яна бир характерли ҳолат “*Тангрининг умр йўлдоши борлиги*” тушунчасининг мавжудлигидир. Мазкур мифларда етакчи культлар ўз умр йўлдошлари билан ҳаёт кечирганлар ва оламни бошқарганлар. Қадимги туркий мифлардаги шундай карашларнинг “қолдиқлари” барча қадимги туркий битикларда сақланган. Мазкур мифларда айтилишича, юкори оламда Кўк Тангрининг умр йўлдоши, оилага барака берувчи ва болаларни ёвуз руҳлардан асровчи *Умай* (D»)- *Um^u*) ҳам яшаган.⁴ Энг биринчи бўлиб, бу мифологик образга Махмуд Кошғарий қуйидагича изоҳ берган эди: “*хотин кишининг, ичидан тушиб бўлганда чиқадиған қопчиққа ўхшаш нарса. У боланинг қориндаги эгаси дейилади. “Умайқа тотинса, ўзил бўлур”* деган масал бор, маъноси: ўшанга хизмат қилган ўғил кўради. Хотинлар шунга эътиқод қилишади”⁵. Кейинчалик эса, В.Радлов бу образни “*болалар ва аёлларни асровчи рух*”⁶ деб, Шор халқидаги мифлар ва удумлар мисолида баҳо берган. Дастлаб Умай ҳақидаги мифологик тасаввурлар Н.Ф.Катанов асарларида берилганлиги Л.П.Потаповнинг тадқиқотларида айтилади. Унинг изланишларига кўра, Абаканнинг (Хакасия) чап томонида Арик улусида 1892 йилда олиб борилган дала тадқиқотларида айрим удумлар сақланиб қолган. Ушбу дала ёзувларида шомон “*Мен сенга, онам, Умай овқат бераман, сен менинг сингилларимни,*

¹ Габышев Е.С. Культ солнца мифологии якутов. Автореф. на соискании канд. наук. – СПб.: 1999. – С. 3.

² Геродот: История: в девяти книгах. – М.: 1993. – С. 188-190.

³ Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. I жилд. Тузувчи, изоҳ ва шарҳлар муаллифи филол. ф.д., проф. Рахмонов Н. “Фан”. – Т.: 2005. – Б. 28-37.

⁴ Потапов Л.П. Умай – божество древних тюрков в свете этнографических данных // Тюркологический сборник, 1972. «Наука». – М.: 1973. – С. 265-286.

⁵ Кошгарий Махмуд. Девону луготит – турк. – Б. 144. Яна қаранг: Бурдуков А.В. Русско-монгольский словарь-разговорник. – Л.: 1935. – С. 301.

⁶ Потапов Л.П. Умай – божество древних тюрков в свете этнографических данных // Тюркологический сборник, 1972. «Наука». – М.: 1973. 269-бет. Яна қаранг: Radloff W. Die alttürkischen Inschriften der Mongolei. Neue Folge. St.-Pbg.: 1894. – P. 18-19.

болаларимни, авлодимни асраб бергин”,¹ дея мурожаат қилган удумлар сакланиб қолгани айтилади.

Умай образи туркий мифологияда қадимдан мавжуд бўлса-да, унинг лингвистик, этимологик, этнографик генезиси етарлича ўрганилмаган. Бу борада бир неча тахминлар мавжуд бўлиб, жумладан, бу терминни С.М.Абрамзон форс мифологиясидаги *Хумой қуши* образи билан боғлайди ҳамда қадимги хинд аёл худоси *Ума* ва умумтуркий *Хуба (Оқ қуш)*² каби сўзлар билан алоқадорлигини кўради. Шунингдек, олим Ўрта Осиёда яшовчи қирғиз халқидан йиғилган дала материаллари орқали бу культ ҳақидаги маълумотларни келтиради. Масалан: “Бола туғилганда Умай энага уни турли балолардан асра, деб мурожаат қилишган. Бола касалликка чалинса, уни бирор жойга олиб бориб, “*Умай энеге тапишйрдым*”, дейишган. Агарда бола хол билан туғилса, бахти билан туғилибди, бу Умай энанинг изи деб ишонганлар”³.

Кумай қирғиз тилида қушнинг бир турини англатади. Бундан ташқари, бу ном эртақлардаги афсонавий қушдан туғилган кучук номини ҳам билдиради.⁴

А.Л.Троицкий ўзбек халқида ҳам Умай образи излари борлигини айтади. У бола туғилгандан кейин чақалоқ чилласида Умай номи билан боғлиқ удумларни аниқлайди.⁵ Л.П.Потапов эса 1930 йилда Хоразмда олиб борган экспедиция маълумотларида аёл жинсидан бўлган албасты (алвасти) ва сары-эне (сарик эна) ҳақида маълумот беради. Унингча, албасты – жинлар, сары эна фаришталар туркумига мансублигини аниқлайди. Сары эна ўзининг узун сочлари билан хомиладор аёлларни алвастилардан асрайди, деб ишонганлар. Тунлари бундай аёллар ёлғиз юришмаган. Л.П.Потапов ўзбеклардаги бу образни қадимги туркий битиктошлардаги Умай билан қиёслайди. У туркий халқларнинг ҳудудий, диний ва маданий алоқалари кейинги йилларда қисман сусайганлигига қарамай, Умай образи барча туркий халқлар хотирасида бирдай сакланиб қолган, деган хулосага келади. У ҳаттоки эски уйғур-турк матнларида ҳам бу ном сакланганини эътироф этади.⁶

¹ Катанов Н.Ф. Образцы народной литературы тюркских племен. XI часть. – СПб., 1907. – С. 564. Юкоридаги таржима ўзимизники.

² Алексеев Н.А. Ранние формы религии тюркоязычных народов Сибири. «Наука». – Нов-ск. 1980. – С. 20.

³ Абрамзон С.М. Рождение и детство киргизского ребенка. – Сб. МАЭ. Т. XII. – М.: 1949. – С. 82.

⁴ Батафил маълумот олиш учун қаранг: Жўраев М. “Грифон” ёки қанотли ит образининг тарихий асослари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2006 й. №1. – Б. 56-66.

⁵ Троицкая А.Л. Первые сорок дней ребенка (чилья) среди оседлого населения Ташкента и Чимкентского уезда // В.В. Бартольд: Туркестанские друзья, ученики и почитатели. – Т.: 1927. Т. VI. – С. 354.

⁶ Потапов Л.П. Умай – божество древних тюрков в свете этнографических данных // Тюркологический сборник, 1972. «Наука» – М.: 1973. – С. 265-286. Уйғур манбаларида Умай худо номи сифатида тилга олинмайди. Умай болани туғилишига қадар асрайдиган қотич маъносига учрайди. Аммо бу образ болаларни асровчи илоҳ сифатида яшаб келаётганини кўрсатади.

Хакас фольклорида эса Кумай, Хубай хус шаклида учрайди. Унга кўра, Хумай куши Турпаннинг (ўрдакнинг бир тури) тухумидан пайдо бўлган. М.И.Боргояковнинг фикрича, туркийларда *хума/хуба/хубай* “мифик куш” образини ўзида ифодалайди. Кейинчалик бу образ Умай ҳақидаги мифологик тасаввурлар пайдо бўлишига хизмат қилган. Хакас мифологиясида *Хара Ымай* ва *Ак Ымай* образлари учрайди. Хара Ымай – болаларни йўқ қилувчи ёвуз рух, Ак Ымай болаларни асровчи илоҳий рух вазифасини бажарган. Образлар остидаги оқ-қора тушунчалар бошқа мифопозитик образларга ҳам мансуб. Хакас мифологиясига кўра, агар болани Хара Ымай олиб қочса, уни шомон топиши ва ундан олиб қўйиши керак бўлган, йўқса бола нобуд бўлади. Бунга эришган шомон ўзини қурбон қилиб бўлса-да, болани Ак Умайга топшириб кетган.¹

Шор мифологиясида эса Умай болалар руҳи қўриқчиси, асровчиси ва улар ўлганда руҳини олувчи образ сифатида намоён бўлади. Шунингдек, бола туғилгандан унинг киндиги кесилган ва бу уларни касалликдан ҳам асраган. Кесилган киндик уй ёнига қўмилган. Удумга кўра, уни Умай туну кун қўриқлаган. Болани Умай қулдирса қулган, агар Умай уни вақтинча тарк этса бола йиғлайди, деб ишонишган. Агар бола соғлом бўлиб, тили чиқиб, юриб кетса, тахминан беш-олти ёшларда Умай билан алоқаси тўхтаган. Чунки у бола ёшидан ўтган, яъни ўспирин ҳисобланган. Улар шу ёшга тўлгунча болани Умай деб чақиришган.² Фарзандсизлар фарзанд тилаб, Умайга топинишган. Ҳозирда ҳам Саян-Олтойларида, шорлар, кумадинлар, телеутлар, хакаслар, қозоқларда Умай билан боғлиқ инонч-эътиқодлар сақланганлиги баъзи тадқиқотларда қайд этилган.³ Туркий халқлар Умайни оқ куш (айрим манбаларда ғоз) тимсолида тасаввур қилганлар.⁴ Шу боис Умай – оқ куш қўйган тухумдан олам пайдо бўлган⁵. Унинг сояси тушган

¹ Бутанаев В.Я. Культ богини Умай хакасов // Этнография народов Сибири. – Нов-ск.: 1984. С – 93-105.

² Потапов Л.П. Алтайский шаманизм. «Наука». – Л.: 1991. С – 37-38.

³ Дыренкова Н.П. Умай в культе турецких племен // Культура и письменность Востока. Кн. III. – Б.: 1928. – С.134-139.

⁴ Черемисин Д.В. К ирано-тюркским связям в области мифологии: богиня Умай и мифическая птица // Народы Сибири: история и культура. – Нов-ск: 1997. – С. 38. Умуан олганда, қушларни муқаддаслаштириш хозирга қунда ҳам давом этаётган жараён ҳисобланади. Масалан, ўзбекларда мусича, қалдиғоч, лайлак каби қушларни кимдир ўлдирса, унинг бошига қулфат келади, деб айтилади. Бундан ташқари, Лайлак билан боғлиқ туркум эртаклар, афсоналар мавжуд. Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Боровкова Е.К. Аист и связанные с ним приметы и поверья у местного населения // Сборник научного кружка при Восточном факультете Ср. Аз. Гос. Университета. Вып. I. – Т.: 1928. – С. 43-46. Мақолада ёзилишича, Лайлак Ўрта Осиё халқларида узоклардан баҳор фаслини олиб келади, деган тушунчлар мавжуд бўлган (43-бетда). Лайлакни қўрган болалар “Лайлак келди – ёз бўлди”, дея бақиришиб шеърлар айтишган. Ўрта Осиёда лайлакларга озгина бўлса-да, зарар етказиш фалокат олиб келади, деб ишонишганлар. Бухорода 1926 йилда мен томонимдан ёзиб қолдирилган манбаларда бу ҳақида айтиб ўтилган: “Агар кимдир лайлакларни ўлдирса, оиласида ёши улуг инсон ўлади” (44-бетда) деган фикрларни учратамиз.

⁵ Космогоник мифлар учун характерли ҳолат олам бирор бир қуш тухумидан яратилган, деб тасаввур қилинишида ҳам кўринади. Энг қизиғи, ушбу мотив деярли барча халқларда мавжуд. Бу сюжет интерпретацияси ва қўчиб юриши ҳақида фикр билдириш қийин. Чунки бу қайси халқ мифологияси

жойга оилавий бахт, давлат ва албатта, буюклик келади, деб ишонганлар¹. Кумадин туркларида унга атаб лапарлар ҳам айтилган.

Асл матн:	Маъноси:
<i>Ак ајастан, кайн, тўш</i>	<i>Оқ осмондан қушдек туш,</i>
<i>Умай-эне, қуш эне!</i>	<i>Умай эна, қуш эна!</i>
<i>Тўп эдекти ачық сал!</i>	<i>Тугилиш йўлини очиқ қил!</i>
<i>Чолы была чолонзын.</i>	<i>Йўлдан бола йўллансин!</i>
	<i>(Осон тугилсин)²</i>

Шунингдек, Кумадин ва Телеутлар Умайни Пай-эне ёки Пайана деб ҳам атаганлар. Телеутларда бу ном, умуман, эзгу рухлар тоифасини ўзида мужассам этган. Шунинг учун ҳам бу ном қадимги туркий ёдномаларнинг биронтасида учрамайди. Телеутлар Умайни осмондан камалак орқали ерга тушиб, олтин камони билан болаларни қўриқлаган, деб ҳисоблашган. Бундай пайтда ҳаммаёқ яркираб, оловранг бўлиб кетар эмиш. Шундан бўлса керак, телеутларнинг айримлари оловни Умай инъоми деб ҳисоблаганлар ва болани биринчи марта бешикка бойлашдан олдин олов ёкиб, Умайга қуйидагича илтижо қилиб, ёрдам сўраганлар:

Ўттиз бошли олов она,

Қирқ бошли олов она,

Барча нарсани ёқувчи,

Музларни эритувчи,

(Юқоридан) Тушгин ўраб ол ва ота бўл!

(Юқоридан) Тушгин ўраб ол ва она бўл!

Қўл сувини (ёмонликлардан) тозаллаган,

Киндикларни тоза (огритмай) кесган,

Қўлдан сув ичувчи,

Сурун тоғда ййовчи,

Бошида (ёғочдан) тарози бор Умай она,

Қирқ ҳурлиқоли Умай она.³

Бизнингча, Умай тасвиридаги ёғоч тароқ, камалак, камон, камон ўқлари каби тумор шаклидаги тимсолларни туркий қавмлар ҳомий илоҳ сифатида бўйниларига осиб юришган. Туркий халқлардаги бундай гениологик ўхшашликлар сабабини фақатгина қадимги турк даври

маҳсули эканлигини ажратиб олишнинг имкони деярли йўқ. Яна қаранг: Мелетинский Е.М. Хаос и космос. Космогенез. / Поэтика мифа. «Наука». – М.: 1976. – С. 202.

¹ Бундай қараш қадимги ҳинд ("Вишну-Пуране" китоби) ва грек мифологиясида ҳам мавжуд. Қаранг: Мифы народов мира. Энциклопедия. – М.: 1980. Том II. – С. 6-9.

² Потапов Л.П. Умай – божество древних тюрков в свете этнографических данных // Тюркологический сборник. 1972. «Наука» – М.: 1973. – С. 274. Таржима ўзимизники.

³ Каруновская Л.Э. Из Алтайских верований и обрядов, связанных с ребенком. – Сб., МАЭ. Т VI. – Л.: 1927. – С. 27. Қискартириб олинди. Таржима ўзимизники.

манбаларидан излаш ўзини оклайди. Умай ҳам Кўк Тангри каби туркий одамларни ёмон руҳлардан асраган. Шунинг учун ҳам қадимда оқ кушлар авайланган ва овланмаган. Кимдир билмасдан бу ишни қилса қаттиқ жазо олган¹. Умай, айниқса, болаларни ёмон руҳлар таъсиридан асраган, ердаги ҳаётнинг давомийлигини таъминлаган. Шунинг учун ҳам туркий халқлар ўз оналарини ва хотинларини Умайга тенглаштирганлар. Кул Тегин мангутошидаги қуйидаги битик бунинг далилидир:²

Асл матн:	ҮМ>Ү: ҖҮ:ҺҖҖҺҮҖҮ: ҖҖҖ: ҖҖҖ>: Җ>ҖҺ: ҖҖҖ: ҖҺДЖ>
Транскрипцияси:	Ум ^а үт ^ә : җә ^в м: җ ^а тун: җут ^н нга: ин ^н м: Култиг ^ә н:
² р ^а т:	булты:
Мәъноси:	“Умайдек онам хотун кутига [бахтига] иним Кул Тигин эр [деган] от [ном] топди.”

Битиктошдаги мазкур жумлага кўпчилик турколог олимлар эътибор берганлар. Жумладан, П.Мелиоранский, С.Маловлар “Умай” образини Олтойдаги шомонлар эътикод қиладиган “*аёллар асровчиси*”³, деб фикр билдирганлар. Айрим туркий кавмлар Умайни гўзал, олтин қанотлари порлаб турувчи, қўлида тилла идиши бор аёл сифатида тасаввур қилганлар. Бу идишда муқаддас сут бўлиб, барча дардларга даво бўлган. Кўпинча болалар касалликка чалинса, Умай мана шу сут орқали даволайди, деб ишонишган. Шунинг учун ҳам айрим ҳайкалчалар ва тошга ишланган расмларда идиш ушлаган Умай тасвирлари бор⁴. Хакас мифларида эса, у инсонларга кўринмай, доимо осмонда оқ булутлар орасида учиб юриб, чақалоқлар туғилишини назорат қилган. Унинг кўриниши оқ либосда, сочлари ҳам оппоқ, ёши улуғ, лекин тетик аёл тимсолида эди.⁵ Кўк Тангридан фаркли ўларок, Умай хонимга уй ҳайвонларини қурбонлик қилишмаган. Унинг шарафига сут ва мевали таомлар тайёрланиб, махсус байрамлар ўтказилган. Умай хонимнинг рамзи уч *барг* (гул номи, 3-иловага қаранг), *ой* (турк жангчилари дубулғаларида ой рамзи бўлган),⁶ *тароқ*, *қайчи* ва *камон ўқлари*дир. Ёш болалари бор уйларга камон ўқларини бешиқларга ва уйлар остоналарига осиб қўйишган⁷. Умай ўз нурлари орқали ердаги инсонларни ҳаёт қуввати билан таъминлаб турган. Унинг рамзий *оқ* ва *кумуш* ранглар

¹ Бундан ташкари *турна*, *бурсут*, *қарга* ва *қалдиғоч*ларни ҳам ов қилиш, ўлдириш ёмонликлар олиб келади деб ўйлашган. Қаранг: Алексеев Н.А. Ранние формы религии тюркоязычных народов Сибири. «Наука». – Нов-ск. 1980. – С. 105.

² Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. "Ўқитувчи". – Т.: 1982. – Б. 98-108.

³ Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. — М., — Л.: 1961. — С. 40.

⁴ Бисенбаев А. Мифы древних тюрков. – Алматы.: 2007. – С. 17.

⁵ Бутанаев В.Я. Культ богини Умай у Хакасов // Этнография народов Сибири. – Нов-ск.: 1984. – С. 93-105

⁶ Бартольд В.В. Сочинения. Том – V. «Наука». – М.: 1968. – С. 21.

7 Қадимги туркий инончга кўра, Умай хоним мана шу камон ўқлари билан “ёвуз руҳлар”ни қувиб, чақалоқларни асраган. Алексеев Н.А. Ранние формы религии тюркоязычных народов Сибири. «Наука». – Нов-ск. 1980. – С. 150.

Мангдашира Тангрига ғазаб қилиб, Эрликка қарши уруш очди. Эрлик қарши келди, ўқ билан уриб, Мангдаширани қочирди. Мангдашира Тангрининг хузурига келди. Тангри “Қасрдан келяпсан?” деб сўради. Мангдашира “Эрликнинг малайлари кўкларда, бизнинг одамларимиз эса ерда жойлашганлар. Бу жуда ёмон бир ишдир. Мен Эрликнинг шерикларини ерга туширмоқ учун жанг қилдим. Фақат кучим етмади, туширолмадим”. Тангри “Мендан бошқа кимса унга қарши келолмайди, Эрликнинг кучи сендан кўпдир. Фақат бир замон келадики, сенга “Бор”^{*} дейман. Ўша замон сенинг кучинг Эрликнинг кучидан устун бўлади.” Бунга Мангдашира бажонидил рози бўлди, кейин ухлади.

Бир куни Мангдашира шундай ўйлади: “Тангрининг “бор” дегани шу бугунга ўхшайди”.

Тангри Мангдаширага шундай деди: “Эй Мангдашира! Бугун бор, Эрликни кўкдан қувасан, мақсадинга етасан, ундан жуда кучли бўласан. Менинг кучим, қудратим, олқишим сенга етсин”. Мангдашира севинди, бир қахқаҳа отди, “Милтиғим йўқ, ёйим, ўқим йўқ, найзам йўқ, ханжарим йўқ... Фақат ёлғиз билагим, қўлим бор. Қандай қилиб мен Эрликка қарши борайин”, деди. Тангри унга найза берди. Мангдашира найзани олиб, Эрликнинг осмонига чиқди. Эрликни енгди, қочирди (Бошқа бир мифда эса, Мангдашира Эрлик хонни пўлат қўллари билан “номаълум макон”га боғлаб қўяди). Унинг осмонларини қириб, парча-парча қилиб ташлади. Эрликнинг осмони парчалари ерга тўкилди. Мангдашира бир куни шундай деди: “Бугун мени шамол учиради ва кўтариб кетади”. Шамол келди. Мангдаширани олиб кўтариб кетди. Япқара инсонларга шундай деди “Мангдаширани Тангри ёнига олди”.

Мангдашира Кўк Тангри буйруғига биноан ер ва осмонни қўриқлайди, ёмон рухлар билан жанг қилади. Кўк Тангри ер юзидан кетгандан кейин, у инсонларга қармоқ билан балиқ овлашни, жун тўкишни, чорва боқиш, ўқ отиш хунарларини ўргатади.

Мазкур мифга асосланган афсонадан кўриниб турибдики, Эрлик инсонларни йўлдан уриб, Тангри айтганларига қарши боришга мажбур қилади. Шунда Тангри инсонларга: “Бундан сўнг сизларга емиш бермайман. Ўз-ўзингиз қийинчилик билан меҳнат қилиб тирикчилик қилинг. Сизлар билан гаплашмайман. Сизларга *Мойтўрани*^{*} жўнатаман”, деб хабар беради.

учрайди. Қараиғ: Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. I жилд. Тузувчи, изоҳ ва шарҳлар муаллифи филол. ф.д., проф. Рахмонов Н. “Фан”. – Т.: 2005. – Б. 249.

^{*} “Қўнайғиш” деган маънода.

^{*} *Мойтўра* – санскритчадан олинган бўлиб, “*дўстлик билан алоқадор*” деган маънони билдиради. Будда мифологиясида бу ном яқинлашиб келаётган олам тузилишининг бўдистави (авлиёси) ва буддасини англатади. Мойтўра, буддизмнинг ҳамма йўналишларидаги таълимотни эътироф этадиган ягона

Мойтўра келиб, арава ясашни, овқат тайёрлашни, илдизлардан ва оловдан фойдаланишни ўргатади. У яхшилардан ёмонларни узоқлаштиради. Бундан ташқари, Кўк Тангри ва Эрлик хон ўртасида элчилик ҳам қилган. Катта найзаси билан Куёш ва Ойни кўриқлаган.

Тангрининг яна бир ёрдамчи рухларидан бири *Шалйимадир*^{*}. Тангри ёрдамчи рухларга хитоб қилган пайти Шалйимага шундай дейди:

“– Шалйима! Сен ароқ ичиб ақлини йўқотганларни, ёш болаларни, бўталоқларни, бузоқларни яхши сақла. Яхшилик қилиб, ўлган марҳумларнинг жонларини ёнингга ол. Ўзини ўзи ўлдирганларни ёнингга олма. Бойларнинг молига кўз тикканларни, ўғриларни, бошқаларга душманлик қилганларни ҳам олма. Мен учун ва хоқони учун жанг қилиб ҳалок бўлганларни ол, менинг ёнимга чиқар. Шалйима! Сен яхши қара! Ёмон рухлар ернинг остидан чиқмасинлар (Бунга кучи етмаса, Мойтўрага ёрдам беришлиги тайинланган). Агар сенга қийин бўлса, менинг отимни чақир.” *Янқарага* эса фақатгина марҳумларнинг жони топширилган, агар уларни Эрлик хондан асрашга кучи етмаса, Мангдаширани чақириш буюрилган.¹

Қадимги туркийлардаги яна бир мифга кўра, *Насигай* образи Кўк тангрининг чакмоқ найзасидир. Кўк тангри Насигай орқали ёвуз рухларни қувғин қилган ва истаса “*чақмоқ орқали жазолаган*”². Бу мифнинг рамзий образи қадимги туркий адабиёт намунаси “Ирк битик”да қуйидагича ифодаланган:

*“Катта бир уй ёниб битди,
Пойдеворигача қолмаган.
Деворигача ҳам қолмаган”,
Шундай билинлар: ёмондир бу.*³

Чакмоқ урган уй ёки инсонни Кўк Тангри гунохлари учун жазолаган деб тасаввур қилганлар. Бундан ташқари, чакмоқ урган ҳайвон гўшти истеъмол қилинмаган.

Шунингдек, мазкур мифга кўра, юқори оламда об-ҳаво бошқарувчиси (руҳи) *Уркер* (Хулкар) ҳам яшаган. Уркер уфқ томонга кетса, жониворлар ер музлаганлигига шоҳид бўлганлар. Бунинг оқибатида кўп жониворлар нобуд

бўдидавдир. Олтой мифларида Ульген буйруғига биноан Кўк Тангрига “*тишлари билан мактуб олиб келган кучук*” дир. Буни кўрган Кўк Тангри уни одамга айлантиради. Қаранг: Сағалаев А.М. Мифология и верования алтайцев. Центрально-азиатские влияния. «Наука». – Нов-ск.: 1984. – С. 43. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. I жилд. “Фан”. – Т.: 2005. – Б. 249. Тузувчи, изоҳ ва шарҳлар муаллифи филол. ф.д., проф. Раҳмонов Н.

^{*} *Шалйима* – ўрта оламга мансуб бўлиб, бу оламда инсонлар ва сон-саноксиз хўжайин-рухлар жойлашган, Шалйима шуларни ҳимоя қилади. Қаранг: Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. I жилд. Тузувчи, изоҳ ва шарҳлар муаллифи филол. ф.д., проф. Раҳмонов Н. “Фан”. – Т.: 2005. – Б. 249.

¹ Бу афсоналар қискартирилиб турк олими Абдуқодир Иноннинг “Тарихда ва бугун шомонизм” (Анкара, 1954. – Б. 13-20) китобидан олинган.

² Алексеев Н.А. Ранние формы религии тюркоязычных народов Сибири. «Наука». – Нов-ск. 1980. – С. 86.

³ Раҳмон Н. Турк хоқонлиги. Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. – Т.: 1993. – Б. 135.

бўла бошлаган. Шунда жониворлар маслаҳатлашиб, Уркерни ушлаб жазоламокчи бўладилар. Уркер яна уфқ томонга яқинлашиб, қиш фаслини олиб келади. У ўз одати бўйича иссиқ ғорга кириб, дам олиб ухлайди. Жониворлар ўша ғорда уни ушлаб олишади ва навбат билан кўриқлашади. Туя, от, сигир, қўй кабилар уни яхши кўриқлашади. Навбат эчкига келади. Эчкининг ўйинқароқлигидан фойдаланган Уркер қочиб қолади. Жониворларнинг жаҳли чиқиб, эчкини жазолаш учун Тангрига мурожаат қилишади. Шунда Тангри эчкига хунук думни ато қилиш орқали жазолайди. Шундан сўнг Уркер хоҳлаган жойида учиб юраверади, ерга яқин келганда иссиқ, узоклашганда совуқ келадиган бўлди. Шунингдек, Уркер Кўк Тангри буйруқларини сўзсиз бажарган. Туркий мифларда Уркер – Ойнинг ўғли, Венера – унинг кизи деб талқин қилинади.

Назорат саволлари

1. Қадимги туркий мифологик образ Кўк Тангри ҳақида маълумот беринг.
2. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит – турк” асарида “Тангри” сўзининг изоҳи ҳақида тўхталинг.
3. Ўрхун-Энасой тошбитиклари таркибига кирувчи манбаларда миф қолдиқлари ҳақида сўзлаб беринг.
4. Кул тигин битиктошида Кўк Тангри ҳақидаги фикрлар ҳақида маълумот беринг.
5. Қадимги туркий мифологик образ Умай ҳақида маълумот беринг.
6. Мангдашира, Мойтўра, Шалйима, Япқара каби культларга таъриф беринг.

Амалий топшириқлар

Қадимги туркий тошбитиклардаги Кўк Тангри мифологик образи билан боғлиқ матнларни топиш ва таҳлил қилиш.

Калит сўзлар

Кўк Тангри, Ульген, Ўрхун-Энасой тошбитиклари, “Ирқ битик”, Кул тигин, Олтой, “қам-азаи”, “Киши ўғиллари”, Умай, Хумой қуши, Мангдашира, Мойтўра, Шалйима, Япқара, Насигай

2.2. Иккинчи қават – Муқаддас Ер-Сув ўрта олами

Қадимги туркий мифларга кўра, ўрта дунёнинг бош худоси *Муқаддас Ер-Сув* (𐰽𐰺𐰍:𐰇𐰏𐰤𐰍𐰏𐰍 – *id'q yir:suv*) ҳисобланади. Ўрхун-Энасой ёдномаларининг деярли барчасида бу образ учрайди ва ўрта оламни ифодалайди. VII асрда яшаган византиялик тарихчи Фелфилакт Симокатта, албан тарихчиси Мовсес Каланкатуй, X аср араб тарихчиси Аҳмад ибн Фадлан кабилар ҳам қадимда туркийлар учун “ер-сув” тушунчаси муқаддас

бўлганини айтиб ўтганлар.¹ Кўк Тангри ва Умай хонимлар каби, Муқаддас Ер-Сув ҳам туркийларни асровчи илоҳлардан бири бўлган. Унга ўн еттита рухлар бўйсунган. Ер-Сув образи қадимги туркийларда икки хил маънода қўлланилган: биринчиси – она юрт тимсолида, иккинчиси – ўрта дунёнинг бош худоси сифатида. Ер-Сув сўзининг олдига “*ыдуқ*”² яъни “*муқаддас*”, “*қутлуг*” сўзи доимо қўшиб қўлланилган ва яхлит она юрт образини ифода этган.³ Ер-Сув худосини қадимги туркийлар чиройли аёл сифатида тасаввур қилганлар.⁴ Ўрхун-Энасой битиктошларидан *Кул тигин (Улуг битик)* да шундай сўзлар бор:

Асл матн:⁵ : 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31 32 33 34 35 36 37 38 39 40 41 42 43 44 45 46 47 48 49 50 51 52 53 54 55 56 57 58 59 60 61 62 63 64 65 66 67 68 69 70 71 72 73 74 75 76 77 78 79 80 81 82 83 84 85 86 87 88 89 90 91 92 93 94 95 96 97 98 99 100 101 102 103 104 105 106 107 108 109 110 111 112 113 114 115 116 117 118 119 120 121 122 123 124 125 126 127 128 129 130 131 132 133 134 135 136 137 138 139 140 141 142 143 144 145 146 147 148 149 150 151 152 153 154 155 156 157 158 159 160 161 162 163 164 165 166 167 168 169 170 171 172 173 174 175 176 177 178 179 180 181 182 183 184 185 186 187 188 189 190 191 192 193 194 195 196 197 198 199 200 201 202 203 204 205 206 207 208 209 210 211 212 213 214 215 216 217 218 219 220 221 222 223 224 225 226 227 228 229 230 231 232 233 234 235 236 237 238 239 240 241 242 243 244 245 246 247 248 249 250 251 252 253 254 255 256 257 258 259 260 261 262 263 264 265 266 267 268 269 270 271 272 273 274 275 276 277 278 279 280 281 282 283 284 285 286 287 288 289 290 291 292 293 294 295 296 297 298 299 300 301 302 303 304 305 306 307 308 309 310 311 312 313 314 315 316 317 318 319 320 321 322 323 324 325 326 327 328 329 330 331 332 333 334 335 336 337 338 339 340 341 342 343 344 345 346 347 348 349 350 351 352 353 354 355 356 357 358 359 360 361 362 363 364 365 366 367 368 369 370 371 372 373 374 375 376 377 378 379 380 381 382 383 384 385 386 387 388 389 390 391 392 393 394 395 396 397 398 399 400 401 402 403 404 405 406 407 408 409 410 411 412 413 414 415 416 417 418 419 420 421 422 423 424 425 426 427 428 429 430 431 432 433 434 435 436 437 438 439 440 441 442 443 444 445 446 447 448 449 450 451 452 453 454 455 456 457 458 459 460 461 462 463 464 465 466 467 468 469 470 471 472 473 474 475 476 477 478 479 480 481 482 483 484 485 486 487 488 489 490 491 492 493 494 495 496 497 498 499 500 501 502 503 504 505 506 507 508 509 510 511 512 513 514 515 516 517 518 519 520 521 522 523 524 525 526 527 528 529 530 531 532 533 534 535 536 537 538 539 540 541 542 543 544 545 546 547 548 549 550 551 552 553 554 555 556 557 558 559 560 561 562 563 564 565 566 567 568 569 570 571 572 573 574 575 576 577 578 579 580 581 582 583 584 585 586 587 588 589 590 591 592 593 594 595 596 597 598 599 600 601 602 603 604 605 606 607 608 609 610 611 612 613 614 615 616 617 618 619 620 621 622 623 624 625 626 627 628 629 630 631 632 633 634 635 636 637 638 639 640 641 642 643 644 645 646 647 648 649 650 651 652 653 654 655 656 657 658 659 660 661 662 663 664 665 666 667 668 669 670 671 672 673 674 675 676 677 678 679 680 681 682 683 684 685 686 687 688 689 690 691 692 693 694 695 696 697 698 699 700 701 702 703 704 705 706 707 708 709 710 711 712 713 714 715 716 717 718 719 720 721 722 723 724 725 726 727 728 729 730 731 732 733 734 735 736 737 738 739 740 741 742 743 744 745 746 747 748 749 750 751 752 753 754 755 756 757 758 759 760 761 762 763 764 765 766 767 768 769 770 771 772 773 774 775 776 777 778 779 780 781 782 783 784 785 786 787 788 789 790 791 792 793 794 795 796 797 798 799 800 801 802 803 804 805 806 807 808 809 810 811 812 813 814 815 816 817 818 819 820 821 822 823 824 825 826 827 828 829 830 831 832 833 834 835 836 837 838 839 840 841 842 843 844 845 846 847 848 849 850 851 852 853 854 855 856 857 858 859 860 861 862 863 864 865 866 867 868 869 870 871 872 873 874 875 876 877 878 879 880 881 882 883 884 885 886 887 888 889 890 891 892 893 894 895 896 897 898 899 900 901 902 903 904 905 906 907 908 909 910 911 912 913 914 915 916 917 918 919 920 921 922 923 924 925 926 927 928 929 930 931 932 933 934 935 936 937 938 939 940 941 942 943 944 945 946 947 948 949 950 951 952 953 954 955 956 957 958 959 960 961 962 963 964 965 966 967 968 969 970 971 972 973 974 975 976 977 978 979 980 981 982 983 984 985 986 987 988 989 990 991 992 993 994 995 996 997 998 999 1000 1001 1002 1003 1004 1005 1006 1007 1008 1009 1010 1011 1012 1013 1014 1015 1016 1017 1018 1019 1020 1021 1022 1023 1024 1025 1026 1027 1028 1029 1030 1031 1032 1033 1034
--

Бундан кўриниб турибдики, Мукаддас Ер-Сув туркий халқни кирилиб кетишдан, яъни ёвузликлардан асраган.⁷ Ўрта дунё мифларига асосан бу оламда инсонлар ҳам яшаганлар. *Кул тигин (Улуз битик)*да инсонларнинг пайдо бўлишига оид қуйидаги миф сақланган:

Асл матн: ⁸	ṣḥlōj ṭn: ṡṡ: ɕṡd: ṣṡṡ: ṡṡṡṡ: ṡṡṡṡṡṡ : lḥlōj ṡn: ṡṡṡ: ṡṡṡṡ: ṡṡṡṡṡṡ:
Транскрипция:	Və kōk: tʰngri: ʰsra: j̄ʱaʱz: j̄ʱr: qylʱnmʱqda: ʰkin ^a ra: kisi: oɖly: qylʱnmʱs:
Маъноси:	“Юкорида кўк осмон, пастда кўнгир ер яратилганда иккисининг ўртасида киши ўғли яратилган”.

Маълумотларга қараганда, қадимги туркийлар баҳор ва кузда Муқаддас Ер-Сув ҳомийлиги остидаги илоҳларга қурбонликлар қилишган. Қурбонликлар тоғ чўққиларида қилинган. Улар тоғни муқаддас билиб, душманлардан ҳимоя қилувчи деб қарашган. Туркий қавмлар Ер-Сувнинг эгалари, асровчилари ер юзидагилар эмас, балки аждодлар руҳи деган

¹ Сейидов М.А. К вопросу о трактовке понятий *jer sub* в древнетюркских памятниках (в сопоставлении с реликтами домусульманских верований) // Советская тюркология №3. – Баку.: 1973. – С. 63.

² Менгес К.Г. Тюркские idi 'господин', некоторые его рефлексы в тюркских языках и параллели в других языковых семьях. – В кн.: «Turcologica». – Л.: 1976. – С. 102-103.

³ Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Кадимги туркий тил. "Ўқитувчи". – Т.: 1982. – Б. 77.

⁴ Бисенбаев А. Мифы древних тюрков. – Алматы.: 2007. – С. 8.

⁵ Абдурахмонов Е., Рустамов А. Кадимги туркий тил. "Ўқитувчи". – Т.: 1982. – Б. 96.

⁶ Юкоридаги манба. – Б. 104.

198. Анохин А. В. Материалы по шаманству у алтайцев. – Л.: 1925. – С. 15.

⁸ Абдурахмонов Г., Рустамов А. Қадимги туркий тил. "Ўқитувчи". – Т.: 1982. – Б. 101.

тасаввур билан яшаганлар. Ер ва сувни душманга топшириб қўйиш аждодлар руҳини душманга бой бериш билан баробар бўлган. Шунинг учун ҳам Она Ватаннинг ҳар бир қарич ери азиз, Муқаддас Ер-Сув эса яхшилик худоси ҳисобланган. Лекин, Қўк Тангри буйруғи билан баъзан Ер-Сув инсонларни қилган гуноҳлари учун жазолаб турган. Ер *қўнғир* (*айрим битиктошларда қора*) ва *яшил* ранг рамзида ифодаланган.

Ўрта дунёдаги Муқаддас Ер-Сувнинг қудратли ёрдамчиларидан *Йоқандир*. Бунга сабаб – у дунё ўртасида ўсиб турувчи “*ҳаёт дарахти*”нинг марказида яшаганлигидир. Қадимги туркийлар учун дарахт бутун дунёнинг, инсонларнинг яратувчиси, ҳомийси ҳамда ҳаёт ва абадийликнинг тимсоли эди. Мифологик тасаввурга кўра, бундай дарахтнинг бўйи юқори дунёга, яъни Тангрига яқин борган. Муқаддас Ер-Сувга *тоғ, қўл (умуман сув объектлари) ва ўрмон¹ руҳлари* ёрдамчи ҳисобланган. Масалан, туркий-рун ёзма ёдгорликларида Ўтукан ўрмони турк хоқонлигининг маркази эканлиги айtilган. Чунки қадимги туркийлар эса Ўтуканни ернинг маркази деб тасаввур қилганлар. Умуман олганда, Ўтукан ўрмон культининг рамзий образи даражасига кўтарилган. Шарқ, Жануб, Ғарб, Шимол эса ана шу марказга нисбатан белгиланган.²

Қадимги туркийларнинг Ер-Сув мифологик образи ҳақидаги тасаввурлари ва унга боғлиқ инонч-этиқодлари битиктошларни ёзма адабиёт сифатида шаклланиши учун омил бўлган. Фарзандсиз аёллар қуриган ирмоқларга шароб, сув сепиб, у ердаги руҳларни мамнун қилиш орқали фарзанд сўраганлар. Сувга ифлос нарса ташламаслик, тоза тутиш шарт қилиб белгиланган. Юқорида айтиб ўтилган руҳлар туркийларни душманлардан, бошқа ёмон руҳлардан ҳимоя қилган. Хуллас, бу удум ва инонч-этиқодларнинг барчаси Муқаддас Ер-Сув образида мужассамлашган, деб хулоса чиқарилса, тўғри бўлади.

Назорат саволлари

1. Қадимги туркий мифологик образ Муқаддас Ер-Сув ҳақида маълумот беринг.
2. Қўл тигин битиктошида келтирилган Муқаддас Ер-Сув функциялари ҳақида сўзлаб беринг
3. Муқаддас Ер-Сувга қурбонлик қилиш маросими ҳақида айтиб беринг.

¹ *Олтин йиш, Қадирқан йиш, Қўгман йиш, Сунга йиш, Ўтукан йиш* каби муқаддас ўрмон номлари берилган. *Йиш*-сердархт, серўсимлик тоғ ёнбағри дегани. Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Юқоридаги китоб. – Б. 101-103-109. Яна қаранг: Потапов Л.П. Новые данные о древнетюркском Ötüken // Советское востоковедение. 1957. №1. В.В. Радлова, *Йиш* – горы, покрытыя льсомъ чернь, деб берилган. Яна қаранг: В.В. Радлов. Опыт словаря тюркских наречий. Типография Императорской Академии Наук. Санктпетербургъ, 1905. – С. 497.

² Раҳмонов Н.А. Ўрхун – Енисей ёдномалари ва туркий эпослар. Филол. фан. док. дис. – Т.: 1991. – Б. 51.

4. Муқаддас Ер-Сувнинг кудратли ёрдамчиси Йо-кан ҳақида маълумот беринг.

Амалий топшириқлар

Қадимги туркий тошбитиклардаги Муқаддас Ер-Сув мифологик образи билан боғлиқ матнларни топиш ва таҳлил қилиш.

Калит сўзлар

Муқаддас Ер-Сув, Ўрхун-Энасой ёдномалари, Фелфилакт Симокатта, Мовсес Каланкатуй, Аҳмад ибн Фадлан, Кул тигин, Йо-кан

2.3. Учинчи қават – Эрликхон ҳукмрон бўлган ер ости олами.

Ер ости оламининг бош худоси *Эрлик (Эрклиг)хон* (ʃʏʏʏ – *ʁklʲg*)дир¹. Турк-мўғул мифологиясида Эрлик хон Кўк Тангрининг иниси эканига ишора қилинади. У мифларда “Қари бўлса ҳам бақувват, улкан гавдали, кўзи қийшиқ, қоши қалин ва қора, соқоли тиззасигача тушган, мўйлаби буралиб қулоғини ўраб олган, боши ўта хунук, шохи эса дарахт илдизидек, сочи жингалак, кўлида кўкимтир темирдан ясалган шамширини ушлаган” ҳолатда тасвирланган.² Эрлик ер остида кутурган қора буқада сайр қилиб юриб, ёвуз ёрдамчилари ишини назорат қилган. Айтишларича, бу буқанинг эгарини тикишга бир отнинг ҳам териси етмас экан.³ Унинг номини тилга олиш, эслаш ёмонликларга олиб келади, деган тасаввурлар ҳозиргача сақланиб келади. Шундан бўлса керак, ёзма манбаларда унинг номи кам учрайди. Эрлик образи қадимги туркий мифларда ер ости марҳумлар ва ёвузликлар, кўз ёши билан тўла дарёлар оқадиган ўлка бошқарувчисининг образи сифатида намоён бўлади.⁴ Эрлик образи синкретик хусусиятга эга. Чунки ҳинд-будда образи *Яму (Yama)*⁵, тибет-ламаистик образи *Чойдэжал* ва *Шиндже* образлари хусусиятлари Эрлик образида ҳам мужассамлашганини С.Г.Кляшторний ўз тадқиқотларида қисман маълум қилиб ўтган.

“Ирқ битик”да космогоник мифлар, хусусан, Эрлик хон олами ҳақида ҳам ишоралар бор. “Ирқ битик” 930 йилнинг 17 мартда монийларнинг Тайгинтан монастирида (Taygiintan manystan) кўмондон Ит Ачукуга бағишлаб ёзилган. Асар Шарқий Туркистондаги машҳур Дуньхуан ғоридан

¹ Kalafat Y. Doğu Anadolu'da Eski Türk inanclarinin izleri. AKM. – Ankara. 1995. – S. 36.

² Сагаляев А.М. Мифология и верования алтайцев. Центрально-азиатские влияния. «Наука». – Нов-ск: 1984. – С. 69.

³ Бу маълумотларга А.В. Анохин ўз изланишларида батафсил тўхталган. Яна қаранг: Анохин А.В. Материалы по шаманству у алтайцев. Госиздат. 1924.

⁴ Каруновская Л.Э. Представления алтайцев о вселенной (Материалы к алтайскому шаманству) // «Советская этнография». Изд. АН. – М.: 1935. № 4-5. – С. 176.

⁵ Михайлов Т.М. Из истории бурятского шаманизма (с древнейших времен по XVIII в.). «Наука». – Н.: 1980. – С.320.

Марк Аурел Стьейн¹ томонидан топилган бўлиб, у ҳозирда Британия музейида сақланади (Or 8212 (161)).² Асар туш кўриш ва унинг таъбирини баён қилиш усулида ёзилган. Мазкур асар қадимги турк даврига оид қоғозга битилган якка-ю ягона ёдгорликдир. Ирқ битигида фольклор мотивлари, эртаққа хос сюжетлар, космогоник, календар, тотемистик миф, лирик кайфият ва табиатнинг жонли тасвири учрайди. Шундай лавҳаларнинг айримларига Ж.Колосон, Ж.-П.Ру, Ж.Гамильтон, С.Г.Кляшторный, И.В.Стеблева, С.Е.Малов, У.В.Томсен, Х.Ўрхун, М.Эрдол, С.Тезджан каби олимлар ёдгорлик матнини дешифровка қилиш давомида қисқача фикрларини билдирганлар. Аммо шуни таъкидлаш керакки, “Ирқ битик”даги ҳикоячаларнинг аксариятини тўлиқ маъноси аниқланганича йўқ. Айрим матнларни қиёслаш орқали эса асар ҳикоячалари остидаги рамзий маънони англаш мумкин. Айниқса, қадимги туркий дунёқараш билан боғлиқ бўлган космогоник миф излари “Ирқ битик”да яққол кўринади. Аслида Ўрхун-Энасой матнларининг барчасида космогоник миф излари мавжуд бўлиб, Култигин битиктошининг бошланмасидан ташқари, сюжет холида сақланмаган. Шунинг учун “Ирқ битик”даги космогоник миф образларини талқин қилишга учуниб кўрамыз.

Осмон олами ва уч оламларнинг бош худоси – Кўк Тангри, ер оламининг бош худоси – Муқаддас Ер-Сув, ер ости оламининг бош худоси – Эрлик хон ҳисобланиб, уларнинг бир қанча ёрдамчи руҳлари ҳам бўлган. “Ирқ битик”да Эрлик хон образи ер ости оламининг худоси сифатида учрайди. Масалан:

Асл матн: ³ (XII) (e)r: (a)bqa: b(a)rmyš: tayda; q(a)ml(a)myš ⁴ t(e)ŋride: (e)rkl(i)g: tir: anča: bilinl(e)r: j(a)b(y)z ⁵ : ol
Маъноси: (XII) эр (йигит) овга борди, тоғда қамланди, тангридир Эрклиг (Эрлик-осмонда), дейишадики: шундай билинлар ёмон – бу.

¹ Марк Аурел Стьейн — дунёга машҳур шарқшунос, археолог, саёҳатчи. 1862 йил 26 ноябрда Венгриянинг Будапешт шаҳрида туғилган. 1900 йилда Андижон орқали Лондонга кетган. 1913 йилда Олтой орқали Самарқандга келган. Олимнинг юртимиздаги фаолияти ҳали ўрганилмаган. Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Кочергина Н.П. Аурел Стьейн и его исследование Восточного Туркестана // Восточный Туркестан и Средняя Азия (История. Культура. Связи). «Наука». — М.: 1984. — С. 188-200.

² Кляшторный С.Г. Монихейский мотив в древнетюркской “Книге предзнаменований” // Тюркологический сборник 2005. «Восточная литература» РАН. — М.: 2006. — С. 195-199.

³ Кляшторный С.Г. Мифологический сюжеты в древнетюркских памятниках / Памятники древнетюркской письменности и этнокультурная история Центральной Азии. «Наука». — СПб: 2006. — С. 250

⁴ Древнетюркский словарь. «Наука». — Л.: 1969. — С. 415. QAMLA — *калать, совершать шаманские обряды*, деб берилган.

⁵ Шу китоб. JABĪZ — *ничтожный, плохой, слабый*, деб берилган. — С. 222. В.В. Радлов. Опыт словаря тюркских наречий (Типография Императорской Академия Наук. — Санктпетербург: 1893) китобиди Јабыз - *дурной, негодный*, деб берилган.

Бу ҳикоячанинг ўқилиши турли адабиётларда турлича берилган. Бизнингча, юқорида берилган табдил космогоник тасаввурни тўлиқ жонлантира олади.

Қадимги туркийлар ҳаётининг ажралмас бўлаги овчиликдир. Мазкур матндаги “*эр (йигит) овга борди*” жумласи тушунарли. Бизнингча, йигит шунчаки овчи эмас, у қам¹ (шомон) ҳамдир. Фақатгина қамларгина тоғда Кўк Тангрига топиниш маросимини амалга оширганлар. Матндаги “*тоғда қамланди*” жумласи ҳам ўз маъносига эга. Аввало, “қамланди” сўзининг луғавий маъносига тўхталиб ўтсак. Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит-турк” асарида *قام* ارْقَلَدِي (қам йрқладӣ) – фолбин бирор нарса ҳақида фол очди,² деб изоҳ беради. “Древнетюркский словарь”да, шомон маросим удумларини адо этувчи маъносини беради, дейилган. Қам сўзи бизгача ўзгариб, шомон шаклида етиб келган. Тангричиликни ва у билан боғлиқ анъаналар ва удумларнинг авлоддан-авлодга ўзгармай етиб келишида шомонлар асосий роль ўйнаганлар. Шомон сўзининг изоҳи ҳам эътиборлидир. Шомон сўзи Уде дарёси бўйида яшаган тунгус халқлари тилидан олинган. Таржима қилинганда “доно одам”, “барча ҳодисалардан хабардор” деган маънони билдиради. Шунингдек, битик матнида “*тоғда қамланди*” жумласи “тангрига топинди” маъносида келган.

Юқорида айтганимиздек, қадимги туркийлар оламни уч қаватдан иборат, деб билганлар. Осмон, ер, ер ости. Учала қаватнинг бош худоси Кўк Тангридир. Ер остининг бош худоси Эрликдир. Энди матндаги “*тангридир Эрклиг*” (*Эрклик-осмонда*) сўзларининг маъносига кенгрок тўхталсак. Мифологик тасаввурларга кўра,³ Эрлик хон Кўк Тангрининг укасидир. Яна бир мифда Тангридан яшириб, унга итоат этмай, ер яратмоқчи бўлган одамга шундай дейди: “Менга итоат қиладиганлар куёш кўрадилар, ёруғлик кўрадилар. Мен ҳақиқий Қурбистон* номини оламан. Сенинг номинг эса Эрлик бўлсин. Гуноҳларини мендан яширганлар сенинг халқинг бўлсин, гуноҳларини сендан яширганлар, менинг халқим бўлсин”. Шу сабабли Эрлик ер юзидан бадарға бўлди. Мифнинг давомида: “Шу пайт Эрлик бир тўда оломоннинг шовқинини эшитди ва “Нимага шовқин бўляпти?”, деди. Тангри: “Сен ҳам бир хоқонсан, мен ҳам бир хоқонман, шовқин қилаётган оломон менинг халқимдир”, деб жавоб берди. Эрлик “Бу қавмни менга бер”, деб Тангридан илтимос қилди. Тангри унга “Хўп майли, бераман, сен ўзинг ҳам

¹ Л.Н. Гумилевнинг айтишича: “Жунгория ва Олтой туркларида қамлаш VI-VII асрлар оралиғида пайдо бўлган”. Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. “Фан”. – Т.: 2007. – Б. 96.

² Кошғарий Маҳмуд, Девону луғотит турк. Уч томлик. III Том. ЎзР ФА. – Т.: 1963. – Б. 447. Таржимон ва нашрга тайёрловчи филол. ф.н. С.М. Муталлибов.

³ Безертинов Р.Н. Тенгрианство-религия торков и монголов. «Слово». – Казань.: 2004. – С. 88.

* Қурбистон – пок руҳлар ҳомийси.

кара”, деди. Эрлик “Туриб қарайин, Тангрининг шу улусини бир кўрайинчи”, деди ва оломонга қараб тўғри юрди. Бир ерга келди. Бу ерда инсонлар, ёввойи ҳайвонлар, қушлар ва бошқа бир қанча жонли мавжудотларни кўрди. Эрлик “Тангри буларни қандай яратган, булар нима билан озикланар экан?”, деб ўйлади. Бу ердаги одамлар бир дарахтнинг меваси билан овқатланар эдилар. Дарахтнинг бир тарафидаги мевадан ея эдилар-у, бошқа тарафидаги мевадан оғизларига ҳам олмас эдилар. Эрлик бунинг сабабини сўради. Инсонлар унга жавоб бердилар: “Тангри бизга бу тўрт бутокнинг мевасини емоқни таъқиқлади. Кун чиқиш тарафдаги беш бутокнинг меваларидан емоқни буюрди. Илон билан итга бу дарахтнинг тўрт бутоғидаги мевадан емоқчи бўлсалар, ижозат берма, деб амр берди. Шундан кейин Тангри кўкка чиқиб кетди. Бешта шохнинг мевалари бизнинг овқатимиз бўлди”. Эрлик *кўрмус** бу гапларни эшитганидан кейин Туренгей деган бир одамни учратиб, уни таъқиқланган мевани алдаб едирди. Эрлик инсонларни алдагани учун Тангри шундай деди: “Уч қават ернинг остида, ой ва қуёш бўлмайдиган қоронғулик бир дунё бордир. Мен сени ўша жойга отиб юбораман”.¹

Бошқа бир мифда эса, Кўк Тангри Эрлик хонни ер ости қоронғулик дунёсига қувғин қилиб, қават-қават қулфлар билан боғлаб қўяди. Кейинчалик у ер ости дунёси қора руҳларини бошқариб, ёмонликлар қила бошлайди. Унинг ер ости дунёси инсонлар кўз ёши ва қони билан тўла ботқоқликлар ва қўллардан иборатдир. Эрлик хон ўлкаси бошланадиган ғор оғзини унинг ўғиллари қўриқлашган. Ер ости руҳлари билан гаплашмоқчи бўлган қам (шомон)лар мана шу ғор оғзига келиб руҳларни чақирганлар. Барча худо ва руҳлар каби Эрлик хонга ҳам қурбонликлар қилишган. Қурбонликлар асосан тунда содир қилинган. Қурбонлик ҳайвони ёки нарсаси, албатта, нуқсонли бўлиши талаб этилган. Агар Эрлик хонга қурбонлик қилинмаса, у ер остида турли касалликларни ер юзига юборади, деб тасаввур қилишган. Унинг саройи кўз ёш ва қон оқадиган “*Тўймадим*”^{**} дарёси бўйида жойлашган. Қадимги туркийлар юлдузли тун рамзи сифатида Эрлик хонни билишган. Ер ости дунёсида Эрлик хоннинг тўққизта ўғиллари (*Қараиш, Маттир, Шингай, Кўмирхон, Бадиш бий, Ябаш, Темирхон, Учархон, Керейхон*), иккита қизи (*Киштей она, Эрка Султон*), элчилари (малайлари) ва *ажал*

* *Кўрмус* – шайтон. В.В. Радлов бу сўзини *көрмөс* (*көрүмдөс*) – кўринмас, деб тахлил қилади ва қадимги туркий-манихей ёдгорликлардаги *Хормузда* ҳамда *Кормузда* образларига алоқадор бўлиши мумкинлигини таъкидлаб ўтади. Потапов Л.П. Алтайский шаманизм. «Наука». – Л.: 1991. – С. 108.

¹ O‘zbek mumtoz adabiyoti. I – jild. “Fan”. – Т.: 2005. Tuzuvchi, izoh va sharhlar muallifi, N. Rahmonov. – B. 9-12.

* Ер ости дунёсидаги афсонавий дарё номи. Афсонага кўра, Эрлик бу дарёда “қора қайиқда” сузиб юрган. Каранг: Алексеев Н.А. Шаманизм тюркоязычных народов Сибири. «Наука». – Нов-ск.: 1984. – С. 53.

руҳи Бўрт¹ ва бошқа ёмон руҳлар ҳам яшаган.² Мифларда улар антроморф, темир бошли махлуқлар сифатида намоён бўлган. Уларнинг ҳар бирини алоҳида вазифалари бўлган. Масалан, *Темирхон* ер ости олами дарвозаси кўрикчиси ҳисобланган. Фақат унинг руҳсати билан камлар ер ости дунёсига кириш розилигини олишган.³ Демак, мана шундай ёвузликларга эга бўлган худонинг осмонга Буюк Тангрининг ўрнига чиқиши яхшиликка олиб келмайди.

Ушбу космогоник мифдан келиб чиққан, манбаларни ўқиш орқали тикланган маъно шуки, йигит (шомон) овга бориб, тангрига топинди ва Эрликнинг осмондалиги хабарини билди, бу ҳолат юқорида биз айтиб ўтган сабаблар туфайли яхши эмаслиги аён бўлди. Эрлик ҳеч қачон ер ости дунёсидан юқори дунёга чиқа олмайди. Фақат Кўк Тангригина бунга қодир. Шунинг учун шомон буни ёмон демокда. “Ирқ битик”нинг яна бир фолида куйидаги сўзларни ўқиймиз:

Асл матн:⁴ (a)lp: (e)r: oyly: süke⁵: b(a)rmyš: sü: jirinte: (e)rkl(i)g: s(a)bçy⁶: tör(e)tmis⁷: tir: (e)biñ(e)rü: k(e)ls(e)r: özi: at(a)nmyš⁸: ögr(ü)nçülüg⁹: (a)ty: jetiglig¹⁰: k(e)lir: tir: (a)nça: biliñl(e)ri: (a)nyy: (e)dgü

Сўзма-сўз таржимаси: алп эр ўғли сўқишга (урушга) борди, шу ерда (жанг майдонида) Эрлик хабарчига (элчига) айлантирди, дейишадики: уйига қайтаркан, ўзи аталган (тилга тушган,) қувончли, оти (тантанали кийинтирилган) етаклаиб¹¹ келаяпти, дейишадики: шундан билингларики аниқ – эзгу (яхши).

Юқоридаги ҳар бир жумлаларни маъносига тўхталсак: “алп эр ўғли сўқишга (урушга) борди” жумлалари умуман олганда тушунарли. Бу ерда ҳам йигит қам (шомон) бўлиши мумкин. Матндаги “шу ерда (жанг майдонида)

¹ Древнетюркский словарь. «Наука». – Л.: 1969. – С. 126. BURT – *контмар*; Ж. Колосон эса *bür* – “обманом скручиват жертву” деса, К.К. Юдахин киргиз тилидаги *мүрт* – “внезапная смерть”, *бүрт* кет – “скоропостижно умереть”, деб таржима килади.

² Бисенбаев А. Мифы древних тюрков. – Алматы.: 2007. – С. 9.

³ Каруновская Л. Э. Представления алтайцев о вселенной (Материалы к алтайскому шаманству) // Советская этнография. Изд. АН. – М.: 1935. № 4-5. – С. 176.

⁴ Кляшторный С.Г. Мифологический сюжет в древнетюркских памятниках // Памятники древнетюркской письменности и этнокультурная история Центральной Азии. «Наука». – СПб.: 2006. – С. 251

⁵ Древнетюркский словарь. «Наука». – Л.: 1969. – С. 510-511. SÖK – *ругать, бранить, порицать* маъноларининг изохи берилган.

⁶ Шу манба. 478-бет. SABČI – *вестник*, хабарчи маъносини билдиради. Ҳозирда ўзбек тилидаги *совчи* сўзининг айнан ўзи.

⁷ Шу манба. 580-бет. TÖRÄT – *создавать, творить, яратить, пайдо қилиш, айлантириш* деган маънолари берилган.

⁸ Шу манба. 64-66-бетларда маънолари айтилган. Бу ўринда ушбу сўз оти *боиқалар томонидан аталди* яъни, *тилга тушди, манхўр бўлди* маъносида қўлланилмоқда.

⁹ Шу манба. 381-бет. ÖGRÜNÇLÜG – *радостный* маъноси берилган.

¹⁰ С.Г. Кляшторныйда JETIK – *зрелый, опытный, умный, знающий* (ДТС. – С. 259), С.Е. Маловда чигатойча *jelek* – *лошадь в парадной сбуре* деб берилган.

¹¹ Жумла Н. Рахмонов. Қадимий ҳикматлар. Ғ. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. – Т.: 1987 (– Б. 56) китобидан олинди. Бизнингча ҳам бу ўринга ушбу таржима мос келади.

Эрлик хабарчига (элчига) айлантирди”, деган жумлаларнинг маъноси кадимги туркий мифда яққол кўринади. Аслида бу жумла бутун бир фолни очиб берадиган “калит” жумладир. Мифда Эрлик хоннинг инсонларга ёрдам бериб, уларнинг жонини олувчи бўлганлиги айтилади. Унга кўра, инсонлар ҳеч ўлмайдиган давр бўлади. Вақт ўтиб, ер юзи инсонлар ва ҳайвонларга тўлиб кетади. Шунда улар кенгашиб, нима қилишларини билмай турган бир пайтда доно қарға тилга кириб, ер усти оламига ер ости оламидан ўлимни чақириш кераклигини айтади. Барча бирдай кенгашиб қаргани Эрлик хон хузурига юборишади. Қарға бу фикрни Эрлик хонга етказди. Шундай донолиги учун қарғага Кўк Тангри кўп умр беради¹. Ерга ўлим келади. Шунда ҳамма қачон ўлишини билиб, қўрқиб яшай бошлайди. Бир мунча вақтдан кейин инсон ва ҳайвонларга қанча умр беришни Кўк Тангрининг ўзи белгилаб, Эрлик хон орқали уларнинг жонини оладиган бўлади. Шундан сўнг ким қачон ўлишини билмай, қўрқмасдан яшай бошлайди. Минусинск яқинидаги Олтин кўлдан топилган битигда ҳам шунга монанд фикр мавжуд:

2

Асл матн:	: J A D : f A ЧЗ: CYQT: ΓAчxZ: »HT: N CYThTΓH(5)
Транскрипцияси:	(5) “ tört i ⁿ lgü ³ : e ^r t'm(iz): b'zni: e ^r k'l'g: a'd'rty: y'ta ⁴ . ” ⁵
Маъноси:	“... тўрт мартабали эр эдик, бизни Эрклик айирди, йўқотди [экономизни олди]”.

Бу ерда ҳам Эрликнинг ўлим олиб келувчи, жонни танадан айирувчи эканлиги айтилмоқда.

Эрликнинг бажарадиган айрим вазифалари ушбу фол орқали намоён бўлди. Демак, йигит (шомон) ўз ерини ҳимоя қилиш учун урушга борди. Уруш майдонида Эрлик уни ўзининг жон олувчиси қилиб тайинлагани хабарини етказди. Бу билан йигит душманларини зир титратиб, уларнинг

Бундан ташқари, манбаларда қамларнинг “ёвуз рухларни” қаргага айланиб, таъқиб қилишганлиги айтилади. Шунинг учун уларнинг маросим қийматларида қарга рамзи доимо бўлган. Ёқутларнинг қангалас уруғида тотем қарга бўлган. Қаранг: Гурвич И.С. Космогонические представления и пережитки тотемического культа у населения Оленевского района // Советская этнография. 1948. №3. – С. 149. Олтойларда “Ўлим олиб келувчи қарга” (“вороны – вороны смерти”) деган тушунча қадим даврлардан мавжудлиги аниқланган. Яна қаранг: Алексеев Н.А. Ранние формы религии тюркоязычных народов Сибири. «Наука». – Нов-ск. 1980. – С. 185. Хозирги қишда ҳам Фаргона водийсининг айрим жойларида қарга, ҳакса, бойбўйи каби қушлар қайси ўйда сайраса, ўлим қақиради, деб уларни ҳайташади.

² Малов С.Е. Енисейская письменность тюрков. — М., Л.: 1952. — С. 54.

³ Древнетюркский словарь. «Наука». – Л.: 1969. – С. 209. INÄL – лицо, имеющее знатное происхождение, высококоротный, деган магнолари хам берилган.

⁴ Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Типография Императорской Академии Наук. – Санктпетербург. 1905. – С. 524. *Ји* - *потеряться, исчезнуть, погибнуть*, деб берилган. Матнда *у'а сўзи* нимагадир *гушиб* қолган. Аслида бу *сўз* матн маъносини *тўғри* очиб бериши учун хизмат қиладиган *сўз* ҳисобланади.

⁵ Кляшторный С.Г. Стелы Золотого озера (к датировке енисейских рунических памятников) // Тюркологический сборник. – Л.: 1976. – С. 258-267. "Нас было четверо высокородных, Эрклиг разлучил нас. Увы!" деб таржима киләди. Матнда *v/ta* сүзи түшиб колган.

жонини олди, ўзи ўлмади, чунки жон олиш ўзининг қўлида эди. Унинг бундай жасурлиги барчага, у яшаётган ўлкага ҳам етиб борди. Шунинг учун у жангдан исми тилга тушган қахрамон бўлиб, қувончли, отини ҳам шунга мослаб тантанали кийинтириб, уйига қайтди. Шунинг учун фолнинг маъносидида, *билингларки, бу аниқ яхши*, дейилмоқда. “Ирк битик” – шомонлик ва монийлик оқими гоёларини ўзида мужассамлаштирган асардир¹. С.Г.Кляшторный бу асарни илк ўқиган пайтда фақат шомонлик маҳсули деган бўлса, ҳозирга келиб унинг ўзи ҳам монийлик оқимининг таъсири борлигини таъкидлади.² Тангричилик, шомонлик, монийлик дунёқарашларининг барчасида дунёни қурилиши билан боғлиқ космогоник мифология сюжетлари етакчи ўрин тутди. Шунинг учун ҳам уларни ўқишда қадимги турк давридан бизгача етиб келган ва сюжетлари нисбатан тўлиқ ҳолда сақланган космогоник мифларга таянилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундан ташқари, қадимги туркий адабиёт намунаси бўлган “Олтун ёруғ”нинг биринчи китобида ҳам Эрлик хон тимсоли бор³. “Олтун ёруғ”даги Эрлик хон тимсоли Ку тауни ёвуз қилмишлари учун ҳукм қилмоқчи бўлади. Эрлик хон марҳумлар шохлиги ҳукмдоридир. Афсонага кўра, Эрлик қадимда рухоний бўлиб, авлиёликнинг энг юқори даражасига эришган ва ғайритабиий кучга эга бўлган эди. “Ўлим ғолиби” Ямандаг Эрликни мағлуб қилиб, ер ости дунёсига жўнатиб юборган. Шундан кейин Эрлик хон нариги дунё ҳукмдори ва ҳаками бўлиб қолган. Гарчи Эрлик билан Ямандаг ўзаро душман бўлса-да, икковининг ҳам қиёфаси бир-бирига ўхшатилиб, бутлар ясалаверган.

Назорат саволлари

1. Қадимги туркий мифологик образ Эрликхон ҳақида маълумот беринг.
2. “Ирк битик”да Эрликхон образига оид матнларни таҳлил қилинг.
3. “Девону луғотит-турк” асарида мифологияга оид сўзларни таҳлил қилинг.
4. Эрликхоннинг тўққизта ўғиллари функциялари ҳақида сўзлаб беринг.
5. Эрликхоннинг иккита кизи Киштей она, Эрка Султонлар функциялари ҳақида сўзлаб беринг.
6. Эрликхон ва шомон ўртасидаги параллелликларни айтинг.

¹ Раҳмонов Н. Рухиятдаги нур муроди. А. Кодирий номидаги халқ мероси нашриёти. – Т.: 2002. – Б. 66.

² Кляшторный С.Г. Мони́хейский мотив в древнетюркской “Книге предзнаменований” // Тюркологический сборник 2005. «Восточная литература» РАН. – М.: 2006. – С. 195-199.

³ “Олтун ёруғ”. 1-китоб. Сўз боши, изоҳлар ва қадимги туркийдан ўзбекчага таъдиль муаллифи Насимхон Раҳмон. “Фан”. – Т.: 2009. – Б. 27.

Амалий топшириқлар

Қадимги туркий тошбитиклардаги Эрликхон мифологик образи билан боғлиқ матнларни топиш ва таҳлил қилиш.

Калит сўзлар

Эрликхон, *“Ирқ битик”*, *Марк Аурел Стъейн*, қам (шомон), *“Девону луготит-турк”*, *Кўк Тангри*, *“Тўймадим” дарёси*, *Қараиш*, *Маттир*, *Шингай*, *Қўмирхон*, *Бадиш бий*, *Ябаш*, *Темирхон*, *Учархон*, *Керейхон*, *Киштей она*, *Эрка Султон*, *Бўрт*, *Олтин кўл*, *“Олтун ёруғ”*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Олтун ёруғ”. I-китоб. Сўз боши, изохлар ва қадимги туркийдан ўзбекчага табдил муаллифи Насимхон Раҳмон. “Фан”. – Т.: 2009. – Б. 27.
2. Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. “Фан”. – Т.: 1997. – Б. 97-148.
3. Dede A. Batı Trakya Türklerinde Eski Türk Dini Şamanizm’den Kalıntılar // 2. Milletlerarası Türk Folklor Kongresi (Bildirileri). – Ankara.: 1982. – С. 93-108.
4. Donuk A. Eski Türkler Dini Şamanizm mi idi? // Türk Dünyası Tarih Dergisi. – Ankara.: 1988. – S. 7-12.
5. Gokovali S. Mithologiya ve Anadolu soylenceleri. – Izmir. 1990. – S. 15-17.
6. İnan A. Müsülman Türklarda Şamanizm kalintilari // İlahiyat Fakultesi Mecmuasi. – Ankara.: 1954. – S. 19-30.
7. İnan A. Tarihte ve bugün şamanizm. TTKB. – Ankara. 1954. – S. 19.
8. İnan A. Tarihte ve Bugün Şamanizm. Türk Tarih kurumu basimevi. – Ankara: 1972.
9. İnon A., Turon A., Kuyman M. A. Musulman Türklarda Şamanizm kalintilari. IFM. Istanbul. 1954.
10. Kalafat Y. Doğu Anadolu’da Eski Türk İnancilarinin izleri. AKM. – Ankara. 1999.
11. Kramer S.N. Mythologies of the ancient world. New York. 1961. Пер. Дьяконова И.М. «Наука». – М.: 1977.
12. Ögel B. Turk mitolojisi. Istanbul. I cild. Türk Tarih kurumu basimevi. – Ankara: 1995.
13. O‘zbek mumtoz adabiyoti. I – jild. “Fan”. – Т.: 2005. Tuzuvchi, izoh va sharhlar muallifi, N. Rahmonov. –Б. 9-12.
14. Özkan İ. İslamiyetten Önce Orta Asya Türk Kültürü // Milli Kültür Dergisi. – Ankara. Şubat, 1977. – S. 2.
15. Öztürk A. Türk Efsanelerinde Şamanizim İzleri // I. Milletlerarası Türk Halk Edebiyatı ve Folklor Kongeresi. – Konya.: 1988. – S. 131-152.
16. Radloff W. Die alttürkischen Inschriften der Mongolei. Neue Folge. St.-Pbg.:1894. – P.18-19.
17. Turgut A. Eski Türklerin dini tek Tanrı inancı mıydı? // Tarih ve toplum. Sayı: 27. – İstanbul.: 1986. – S. 147-149.
18. Абдуқодир Инон. “Тарихда ва бугун шомонизм” (Анқара, 1954. – Б. 13-20).

19. Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил. “Ўқитувчи”. – Т.: 1982.
20. Абрамзон С.М. Рождение и детство киргизского ребенка. – Сб. МАЭ. Т-ХІІ. – М.: 1949, – С. 82.
21. Акромов Ф. Миф ва ёзма адабиёт муносабатига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996 й., № 2, 4, 5, 6-сонлар.
22. Акромов Ф. Мифологиянинг айрим эпик жанрлар билан ўзаро муносабати // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлар. “Фан”. – Т.: 1997. – Б. 154.
23. Алексеев Н.А. Ранние формы религии тюркоязычных народов Сибири. «Наука». – Нов-ск: 1980.
24. Алексеев Н.А. Традиционные религиозное верование тюркоязычных народов Сибири. «Наука». – Нов-ск.: 1992.
25. Алексеев Н.А. Шаманизм тюркоязычных народов Сибири. «Наука». – Нов-ск.: 1984.
26. Анохин А.В. Материалы по шаманству у алтайцев. – Л.: 1925. – С. 15.
27. Анохин А.В. Материалы по шаманству у алтайцев. Госиздат. 1924.
28. Баймыровдов А. Туркмен халқ қыссаларынын тарыхы – генетик эволюциясы ва поэтикасы. Филол. фан. док. дисс. Автореферат. – Ашхабод.: 1994.
29. Бартольд В.В. Сочинения. Том – V. «Наука». – М.: 1968. – С. 21.
30. Безертинов Р.Н. Тенгрианство-религия тюрков и монголов. «Слово». – К.: 2004.
31. Бисенбаев А. Мифы древних тюрков. – Алматы.: 2007.
32. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – М.,-Л.: 1950.
33. Боровкова Е.К. Аист и связанные с ним приметы и поверья у местного населения // Сборник научного кружка при Восточном факультете Ср. Аз. Гос. Университета. Вып. I. – Т.: 1928. – С. 43-46.
34. Бурдуков А.В. Русско-монгольский словарь-разговорник. – Л.: 1935. – С. 301.
35. Бутанаев В.Я. Культ богини Умай у Хакасов // Этнография народов Сибири. – Нов-ск.: 1984. – С. 93-105
36. Воеводина Л.Н. Мифология и культура. Институт общегуманитарных исследований. – М.: 2002.
37. Габышев Е.С. Культ солнца мифологии якутов. Автореф. на соискании канд. наук. – СПб.: 1999. – С. 3.

38. Геродот. История: в девяти книгах. – М.: 1993. – С. 188-190.
39. Гумилев Л.Н. Древние тюрки. «Наука». – М.: 1967.
40. Гурвич И.С. Космогонические представления и пережитки тотемического культа у населения Оленекского района // Советская этнография. 1948. №3. – С. 149.
41. Гуревич И.С. Космогонические представления и пережитки тотемического культа у населения Оленекского района // «Советская этнография». 1948. №3. – С. 128-131.
42. Длужневская Г.В. Ещё раз о «кудыгинском валуне» (К вопросу об иконографии Умай у древних тюрков) // Тюркологический сборник, 1974. – М.: 1978. – С. 230-237.
43. Древнетюркский словарь. «Наука». – Л.: 1969.
44. Дыренкова Н.П. Умай в культе турецких племен // Культура и письменность Востока. Кн. III. – Б.: 1928. – С.134-139.
45. Жуковский Н.Л. Бурятская мифология и ее монгольские параллели. – В кн.: Символика культов и ритуалов народов зарубежной Азии. – М.: 1980. – С. 95-96.
46. Жўраев М. “Трифон” ёки қанотли ит образининг тарихий асослари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2006 й. №1. – Б. 56-66.
47. Жўраев М. “Ўғузнома” ва қадимги туркий мифология // Ўзбек тили ва адабиёти. 2010 й. № 6. – Б. 26-27. Путешествие Ибн-Фадлана по Волге. Изд. АН. – М., - Л., 1939. – С. 66.
48. Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари. Филол., фан., док., дис. – Т.: 1996.
49. Жўраев М., Нарзикулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. – Т.: 2006.
50. Каруновская Л. Э. Представления алтайцев о вселенной (Материалы к алтайскому шаманству) // Советская этнография. Изд. АН. – М.: 1935. № 4-5. – С. 161-177.
51. Каруновская Л.Э. Из Алтайских верований и обрядов, связанных с ребенком. – Сб., МАЭ. Т VI. – Л.: 1927. – С. 27.
52. Каскабасов С.А. Казахская сказочная проза. «Наука». – Алма-ата.: 1990.
53. Катанов Н.Ф. Качинская легенда о сотворение мира. Изд-ство ОАИЭ.1894. Т.12. Вып. 2. – С. 185-188.
54. Катанов Н.Ф. Образцы народной литературы тюркских племен. XI часть. – СПб., 1907. – С. 564. Юқоридаги таржима ўзимизники.
55. Киселев С.В. Древняя история Южной Сибири. Изд. АН. – М.: 1951. – С. 5-6.

56. Кляшторный С.Г. Мифологические сюжеты в древнетюркских памятниках // Тюркологический сборник 1977. «Наука». – М.: 1981.
57. Кляшторный С.Г. Монихейский мотив в древнетюркской “Книге предзнаменований” // Тюркологический сборник 2005. «Восточная литература» РАН. – М.: 2006. – С. 195-199.
58. Кляшторный С.Г. Памятники древнетюркской письменности и этнокультурная история Центральной Азии. «Наука». – СПб.: 2006.
59. Кляшторный С.Г. Памятники древнетюркской письменности и этнокультурная история Центральной Азии. «Наука». – СПб.: 2006.
60. Кляшторный С.Г. Стелы Золотого озера (к датировке енисейских рунических памятников) // Тюркологический сборник. – Л.: 1976. – С. 258-267.
61. Кононов А.Н. Семантика цветообозначения в тюркских языках // Тюркологический сборник. 1975. – М.: 1978. – С. 159-179.
62. Кормушин И.В. Тюркские и енисейские эпиграфики. Тексты и исследование. «Наука». – М.: 1997. – С. 79-81.
63. Кочергина Н.П. Аурел Стъейн и его исследование Восточного Туркестана // Восточный Туркестан и Средняя Азия (История. Культура. Связи). «Наука». – М.: 1984. – С. 188-200.
64. Кошгарий Махмуд. “Девону луготит турк”. Таржимон ва нашрга тайёрловчи филол. ф.н. С.М. Муталлибов. Уч томлик. III Том. ЎзР ФА. – Т.: 1963. – Б. 387-388.
65. Кудаяева З. Ж. К символике “верха” в Адыгской мифопоэтической традиции. Эпический текст: проблемы и перспективы изучения: Материалы I Международной научной конференции. Ч. I. – Пятигорск: ПГЛУ, 2006. – С. 244
66. Кудаяева З.Ж. К символике “верха” в Адыгской мифопоэтической традиции. Эпический текст: проблемы и перспективы изучения: Материалы I Международной научной конференции. Ч. I. – Пятигорск: ПГЛУ, 2006. – С. 244.
67. Кучукова З.А. Карачаево-Балкарский Нартский эпос: императив вертикали. <http://mith.ru/epic/nart04.htm>
68. Лосев А.Ф. Диалектика мифа. «Правда». – М.: 1990.
69. Луговой К.В. Космогонические, антропогонические и эсхатологические мотивы в Нартском эпосе Карачаевцев и Балкарцев // Этнографическое обозрение №6. – М.: 2003. – С. 57-69.
70. Маллаев Н.М. Из вечного родника: Фольклорные истоки творчества Навои. Изд. лит. и искусства имени Г.Гуляма. – Т.: 1983.

71. Маллаев Н.М. Космогонические мифы / Из вечного родника: Фольклорные истоки творчества Навои. Изд. лит. и искусства имени Г. Гуляма. – Т.: 1983. – С. 96., 102.
72. Малов С.Е. Енисейская письменность тюрков. – М.,-Л.: 1952.
73. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности Манголии и Киргизии. Изд. АН. – М., – Л.: 1959. –
74. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. – М., – Л.: 1961. – С. 40.
75. Маматкулов М.Р. Қадимги туркий адабиётда жанрлар поэтикаси (Монийлик шеърлари ва “Девону луғотит – турк” асари асосида). Филол. фан. ном. дис. – Т.: 2004. – Б. 21-22.
76. Матъе М.Э. Древнеегипетские мифы. – М., -Л.: 1956. – С. 14-19. Таржима ўзимизники.
77. Матъе М.Э. Древнеегипетские мифы. «Наука». – М., -Л.: 1956.
78. Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. «Наука». – М.: 1976.
79. Менгес К.Г. Тюркское *idi* ‘господин’, некоторые его рефлексy в тюркских языках и параллели в других языковых семьях. – В кн.: «Turcologica». – Л.: 1976. – С. 102-103.
80. Мифы народов мира. Энциклопедия. – М.: 1980. Том II. – С. 6-9.
81. Михайлов Т.М. Из истории бурятского шаманизма (с древнейших времен по XVIII в.). «Наука». – Н.: 1980. – С.320.
82. Мусакулов А. Ўзбек халқ лирикаси. “Фан”. – Т.: 2010.
83. Потанин. Г.Н. Громовик по поверьям и сказаниям племен Южной Сибири и Северной Монголии // Журнал Министерства народного просвещения. 1882. № 219. – С. 133-176.
84. Потапов Л.П. Алтайский шаманизм. «Наука». – Л.: 1991.
85. Потапов Л.П. Алтайский шаманизм. «Наука». – Л.: 1991. – С. 264.
86. Потапов Л.П. Новые данные о древнетюркском *Ötükän* // Советское востоковедение. 1957. №1.
87. Потапов Л.П. Умай – божество древних тюрков в свете этнографических данных // Тюркологический сборник, 1972. «Наука». – М.: 1973. – С. 265-286.
88. Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Типография Императорской Академии Наук. Санктпетербургъ. 1905. – С. 497.
89. Рахмонов Н.А. Инсон руҳининг садоси. (“Фан ҳақида суҳбатлар” туркуми №35) “Ўзбекистон”. – Т.: 1986.
90. Рахмонов Н.А. Поэтика памятника Кюль Тигину. Дисс. на соиск. канд. наук. – Т.: 1983.

91. Рахмонов Н.А. Рухиятдаги нур муроди. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. – Т.: 2002.
92. Рахмонов Н.А. Турк хоқонлиги. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. – Т.: 1993.
93. Рахмонов Н.А. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. I жилд. “Фан”. – Т.: 2005.
94. Рахмонов Н.А. Ўрхун – Енисей ёдномалари ва туркий эпослар. Филол. фан. док. дис. – Т.: 1991.
95. Рахмонов Н. Инсон руҳининг садоси. (“Фан ҳақида суҳбатлар” №35) “Ўзбекистон”. – Т.: 1986. – Б. 7.
96. Рахмонов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари. “Фан”. – Т.: 2006.
97. Рахмонов Н.А. Қадимий ҳикматлар. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. – Т.: 1987
98. Сағалаев А.М. Мифология и верования алтайцев. Центрально-азиатские влияния. «Наука». – Нов-ск: 1984.
99. Сейидов М.А. К вопросу о трактовке понятий *jer sub* в древнетюркских памятниках (в сопоставлении с реликтами домусульманских верований) // Советская тюркология №3. – Баку.: 1973. – С. 63.
100. Стеблева И.Я. Жизнь и литература доисламских тюрков. «Восточная литература» РАН. – М.: 2007.
101. Стеблева И.Я. Очерки турецкой мифологии. «Восточная литература». – М.: 2002. – С. 6.
102. Стеблева И.Я. Синкретизм религиозно-мифологических представлений домусульманских тюрков // Народы Азии и Африки. – М.: 1989. № 4. – С. 51;
103. Тилавов А. Ўзбек халқ дostonларидаги от образининг тарихий асослари ва бадий талқини. Филол. фан. ном. дисс. – Т.: 2000. – Б. 19.
104. Топоров В. Н. К реконструкции мифа о мировом яйце // Труды по знаковым системам. Т. 3. – Тарту.: 1967. – С. 61.
105. Топоров В. Н. Мифы народов мира. Энциклопедия. Т.2. – М.: 1980. – С. 192.
106. Топоров В.Н. Космогонические мифы // Мифы народов мира: Энциклопедия. – М.: 1980. Т 2.
107. Троицкая А.Л. Первые сорок дней ребенка (чилля) среди оседлого населения Ташкента и Чимкентского уезда // В.В. Бартольд: Туркестанские друзья, ученики и почитатели. – Т.: 1927. Т-VI. – С. 354.
108. Турдимов Ш. “Тўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий боскичлари. “Фан”. – Т.: 2011.

109. Тўхлиев Б. Учлантириш мотиви / Юсуф Хос Ҳожиб ва туркий халқлар фольклори. Баёз. – Т.: 2014. – Б. 108-111.
110. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. I жилд. “Фан”. – Т.: 2005. – Б. 249. Тузувчи, изоҳ ва шарҳлар муаллифи филол. ф.д., проф. Раҳмонов Н.
111. Фрейденоберг О.М. Миф и литература древности. «Наука». – М.: 1978.
112. Фрэзер Дж.Дж. Золотая ветвь: Исследование магии и религии. «Политиздат». – М.:1986.
113. Черемисин Д.В. К ирано-тюркским связям в области мифологии: богиня Умай и мифическая птица // Народы Сибири: история и культура. – Нов-ск: 1997. – С. 38.
114. Чоршанбиев М. Ўзбек эпосидаги тотемистик қарашларнинг тарихий асослари ва бадий талқинига доир. (Рисола) ТошДУ. – Т.: 1998. – Б. 8.
115. Шайдуллина Л.Д. Религиозно – культурные коды тюрков северной Евразии и их преемственность. <http://turkolog.narod.ru/info/I374.htm>
116. Элиаде М. Космос и история. «Прогресс». – М.: 1987.
117. Эшонкулов Ж. Ўзбек фольклорида дев образининг мифологик асослари. Филол. фан. ном. дис. – Т.: 1996. – Б. 51-52.
118. Эшонкулов Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини. Филол. фан. док. дис. автореф. – Т.: 2010. – Б. 9.
119. Эшонкулов Ж. Ўзбек эпик асарларида “ўзга” дунё тушунчаси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996 й., № 2. – Б. 33-36.

Н.И. Жўракўзиев

ЎЗБЕК МИФОЛОГИЯСИ

(Қадимги даври, манбалари, ўрганилиши)

Ўқув-услубий қўлланма

Адади 50 нусха. Бичими 60x84 ¹/₁₆
Босма табоғи 3,5. «Times New Roman» гарнитураси.
ООО “АКТИВ PRINT” босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Чилонзор 25, Лутфий 1а.

